ISSN 2992-9229

# TURKOLOGIK TADQIQOTLAR

Xalqaro ilmiy jurnal

2023
1-son

Samarqand - 2023

ISSN 2992-9229

# TURKOLOGIK TADQIQOTLAR

## XALQARO ILMIY JURNALI

**"TURKOLOGICAL RESEARCH" INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL**
**ULUSLARARASI "TÜRKOLOJİ ARAŞTIRMALARI" DERGİSİ**
**МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ "ТЮРКОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ"**

2023
№1

**Xalqaro ilmiy jurnal SamDU Kengashining majlisida muhokama qilinib, nashrga tavsiya etilgan (2023-yil 25-aprel, 11-sonli qarori)**

**https://turkologiya.samdu.uz**

**SAMARQAND – 2023**

# "TURKOLOGIK TADQIQOTLAR" XALQARO ILMIY JURNALI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL "TURKOLOGICAL RESEARCH"

ULUSLARARASI "TÜRKOLOJİ ARAŞTIRMALARI" BİLİMSEL DERGİSİ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ "ТЮРКОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ"



| Bosh muharrir: | Bosh muharrir o'rinbosari: |
|---|---|
| **Juliboy ELTAZAROV**<br>*f.f.d., professor (O'zbekiston)* | **Roxila RUZMANOVA**<br>*f.f.n., dotsent (O'zbekiston)* |

**TAHRIRIYAT KENGASHI:**

**Rustam XALMURADOV** – t.f.d., professor, Sh.Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti rektori (O'zbekiston);
**Hakim XUSHVAQTOV** – f-m.f.d., professor, Sh.Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori (O'zbekiston);
**Akmal AHATOV** – t.f.d., professor, Sh.Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti xalqaro hamkorlik bo'yicha prorektori (O'zbekiston);
**Muslihiddin MUHIDDINOV** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Ibodulla MIRZAYEV** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Shuhrat SIROJIDDINOV** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Suyun KARIMOV** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Murodqosim ABDIYEV** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Shavkat HASANOV** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Erkin MUSURMONOV** – f.f.d., dotsent (O'zbekiston);
**Azamat PARDAYEV** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Musa YULDASHEV** – f.f.n., professor (O'zbekiston);
**Dilfuza DJURAKULOVA** – t.f.n., dotsent (O'zbekiston);
**Aftondil ERKINOV** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Nasimxon RAHMONOV** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Qosimjon SODIQOV** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Hamidulla DADABOYEV** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Ma'rufjon YO'LDOSHEV** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Jabbor ESHONQUL** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Muhabbat QURBONOVA** – f.f.d., professor (O'zbekiston);
**Mardon BOLTAYEV** – dotsent (O'zbekiston);
**Ali AKAR** – f.f.d., professor (Turkiya);
**Abdusalom ARVASH** – f.f.d., professor (Turkiya);
**Funda TOPRAK** – f.f.d., professor (Turkiya);
**Musa Shamil YUKSEL** – f.f.d., professor (Turkiya);
**Temur KOJAO'G'LI** – f.f.d., professor (AQSH);
**Hayrunnisa ALAN** – f.f.d., professor (Turkiya);
**Varis CHAKAN** – f.f.d., professor (Turkiya);
**Almaz ULVI** – f.f.d., professor (Ozarbayjon).

Mas'ul muharrir: **PhD Zokir BAYNAZAROV (O'zbekiston)**
Texnik xodim: **Rahmatulla SHOKIROV (O'zbekiston)**

# "TURKOLOGIK TADQIQOTLAR" XALQARO ILMIY JURNALI

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL OF "TURKOLOGICAL RESEARCH"**

**ULUSLARARASI "TÜRKOLOJİ ARAŞTIRMALARI" BİLİMSEL DERGİSİ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ "ТЮРКОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ"**



| Главный редактор: | Заместитель главного редактора: |
|---|---|
| **Жулибой ЭЛТАЗАРОВ**<br>*д.ф.н., профессор (Узбекистан)* | **Рохила РУЗМАНОВА**<br>*к.ф.н., доцент (Узбекистан)* |

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

**Рустам ХАЛМУРАДОВ** – д.т.н., профессор, ректор Самаркандского государственного университета имени Ш.Рашидова (Узбекистан);
**Хаким ХУШВАКТОВ** – д.ф-м.н., профессор, проректор по научной работе и инновациям Самаркандского государственного университета имени Ш.Рашидова (Узбекистан);
**Акмал АХАТОВ** – д.т.н., профессор, проректор по международному сотрудничеству Самаркандского государственного университета имени Ш.Рашидова (Узбекистан);
**Муслихиддин МУХИДДИНОВ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Ибодулла МИРЗАЕВ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Шухрат СИРОЖИДДИНОВ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Суюн КАРИМОВ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Муродкасым АБДИЕВ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Шавкат ХАСАНОВ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Эркин МУСУРМОНОВ** – д.ф.н., дотцент (Узбекистан);
**Азамат ПАРДАЕВ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Муса ЮЛДАШЕВ** – к.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Дилфуза ДЖУРАКУЛОВА** – к.и.н., доцент (Узбекистан);
**Афтондил ЭРКИНОВ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Насимхан РАХМОНОВ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Касимжон СОДИКОВ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Хамидулла ДАДАБОЕВ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Маруфжан ЙУЛДОШЕВ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Джаббар ЭШАНКУЛ** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Мухаббат КУРБАНОВА** – д.ф.н., профессор (Узбекистан);
**Мардон БОЛТАЕВ** – доцент (Узбекистан);
**Али АКАР** – д.ф.н., профессор (Турция);
**Абдусалам АРВАШ** – д.ф.н., профессор (Турция);
**Фунда ТОПРАК** – д.ф.н., профессор (Турция);
**Муса Шамиль ЮКСЕЛЬ** – д.ф.н., профессор (Турция);
**Темур КОДЖАОГЛУ** – д.ф.н., профессор (США);
**Хайруннниса АЛАН** – д.ф.н., профессор (Турция);
**Варис ЧАКАН** – д.ф.н., профессор (Турция);
**Алмаз УЛЬВИ** – д.ф.н., профессор (Азербайджан).

Ответственный редактор: **PhD Зокир БАЙНАЗАРОВ (Узбекистан)**
Технический персонал: **Рахматулла ШОКИРОВ (Узбекистан)**

# "TURKOLOGIK TADQIQOTLAR" XALQARO ILMIY JURNALI

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL OF "TURKOLOGICAL RESEARCH"**

**ULUSLARARASI "TÜRKOLOJİ ARAŞTIRMALARI" BİLİMSEL DERGİSİ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ "ТЮРКОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ"**



| Chief Editor: | Deputy Chief Editor: |
|---|---|
| **Juliboy ELTAZAROV**<br>*Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan)* | **Rokhila RUZMANOVA**<br>*Candi. of philol. scien., Associate Professor (Uzbekistan)* |

**EDITORIAL TEAM:**

**Rustam KHALMURADOV** – Doc. of technic. scien., Professor, Rector of Samarkand State University named after Sh.Rashidov (Uzbekistan);
**Hakim KHUSHVAKTOV** – Doc. of physic. and mathematic. scien., Professor, Vice-Rector for Research and Innovation, Samarkand State University named after Sh.Rashidov (Uzbekistan);
**Akmal AKHATOV** – Doc. of technic. scien., Professor, Vice-Rector for International Cooperation of Samarkand State University named after Sh.Rashidov (Uzbekistan);
**Muslihiddin MUKHIDDINOV** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Ibodulla MIRZAEV** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Shukhrat SIROJIDDINOV** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Suyun KARIMOV** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Murodkasim ABDIEV** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Shavkat KHASANOV** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Erkin MUSURMONOV** – Doc. of philol. scien., Associate Professor (Uzbekistan);
**Azamat PARDAEV** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Musa YULDASHEV** – Candi. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Dilfuza DZHURAKULOVA** – Candi. of hist. scien., Associate Professor (Uzbekistan);
**Aftondil ERKINOV** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Nasimkhan RAKHMONOV** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Kasimjon SODIKOV** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Khamidulla DADABOEV** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Marufzhan YULDOSHEV** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Jabbar ESHANKUL** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Muhabbat KURBANOVA** – Doc. of philol. scien., Professor (Uzbekistan);
**Mardon BOLTAEV** – Associate Professor (Uzbekistan);
**Ali AKAR** – Doc. of philol. scien., Professor (Türkiye);
**Abdusalam ARVASH** – Doc. of philol. scien., Professor (Türkiye);
**Funda TOPRAK** – Doc. of philol. scien., Professor (Türkiye);
**Musa Shamil YUKSEL** – Doc. of philol. scien., Professor (Türkiye);
**Temur KOJAOGLU** – Doc. of philol. scien., Professor (USA);
**Hayrunnisa ALAN** – Doc. of philol. scien., Professor (Türkiye);
**Varis CHAKAN** – Doc. of philol. scien., Professor (Türkiye);
**Almaz ULVI** – Doc. of philol. scien., Professor (Azerbayjan).
Managing editor: **PhD Zokir BAYNAZAROV (Uzbekistan)**
Technical staff: **Rakhmatulla SHOKIROV (Uzbekistan)**

# “TURKOLOGIK TADQIQOTLAR” XALQARO ILMIY JURNALI

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL OF “TURKOLOGICAL RESEARCH”**

**ULUSLARARASI “TÜRKOLOJİ ARAŞTIRMALARI” BİLİMSEL DERGİSİ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ “ТЮРКОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ”**



| Baş Editör: | Baş Editör Yardımcısı: |
| --- | --- |
| **Juliboy ELTAZAROV**<br>*Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan)* | **Rohila RUZMANOVA**<br>*Filoloji bilimleri adayı, Doç. Dr. (Özbekistan)* |

**EDITORIAL TEAM:**

**Rustam HALMURADOV** – Teknik bilimler doktoru, Prof. Dr., Ş.Raşidov adına Semerkand Devlet Üniversitesi Rektörü (Özbekistan);
**Hakim HUŞVAKTOV** – Fizik ve matematik bilimleri doktoru, Prof. Dr., Ş.Raşidov adına Semerkand Devlet Üniversitesi Araştırma ve İnovasyondan Sorumlu Rektör Yardımcısı (Özbekistan);
**Akmal AHATOV** – Teknik bilimler doktoru, Prof. Dr., Ş.Raşidov adına Semerkand Devlet Üniversitesi Uluslararası İşbirliğinden Sorumlu Rektör Yardımcısı (Özbekistan);
**Muslihiddin MUHİDDİNOV** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**İbodulla MİRZAYEV** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Şuhrat SİROJİDDİNOV** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Suyun KARİMOV** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Murodkasım ABDİYEV** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Şavkat HASANOV** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Erkin MUSURMONOV** – Filoloji bilimleri doktoru, Doç. Dr. (Özbekistan);
**Azamat PARDAYEV** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Musa YULDAŞEV** – Filoloji bilimleri adayı, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Dilfuza JURAKULOVA** – Tarih bilimleri adayı, Doç. Dr. (Özbekistan);
**Aftondil ERKİNOV** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Nasimhan RAHMONOV** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Kasimjon SODİKOV** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Hamidulla DADABOYEV** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Marufjan YULDOŞEV** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Jabbar EŞANKUL** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Muhabbat KURBANOVA** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Özbekistan);
**Mardon BOLTAYEV** – Doç. Dr. (Özbekistan);
**Ali AKAR** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Türkiye);
**Abdusalam ARVAŞ** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Türkiye);
**Funda TOPRAK** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Türkiye);
**Musa Şamil YÜKSEL** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Türkiye);
**Temur KOCAOĞLU** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (ABD);
**Hayrunnisa ALAN** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Türkiye);
**Varis ÇAKAN** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Türkiye);
**Almaz ÜLVİ** – Filoloji bilimleri doktoru, Prof. Dr. (Azerbaycan).

Sorumlu Editör: **PhD Zokir BAYNAZAROV (Özbekistan)**
Teknik Personel: **Rahmatulla ŞOKİROV (Özbekistan)**

**MUNDARIJA | CONTENT | İÇERİK | СОДЕРЖАНИЕ**


**TILSHUNOSLIK**

1. **Қосимжон СОДИҚОВ**
ЭСКИ ЛУҒАТЛАРДАГИ ФОНЕТИК ИЗОҲЛАР ВА АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН СЎЗЛАРНИ ТЎҒРИ ЎҚИШ МАСАЛАСИ........ 13

2. **Mirvari İSMAYILOVA**
QLOBALLAŞAN DÜNYADA ORTAQ TÜRK DİLİNİN AKTUAL PROBLEMLƏRİ........ 25

3. **Ertuğrul YAMAN**
TÜRKÇE KÖKENLİ YAZI DİLLERİNİN ORTAKLAŞMASI ÜZERİNE DÜŞÜNCELER........ 31

4. **Муса ЮЛДАШЕВ**
ИЗ ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ ПОЛИПРЕДИКАТИВНЫХ СТРУКТУР В ТЮРКСКИХ ЯЗЫКАХ........ 38

5. **Faxriddin YAKUBOV**
“DISKURS” YOKI MATN TUSHUNCHASI HAQIDA…………………….............. 50

**ADABIYOTSHUNOSLIK**

6. **Dilorom SALOHIY**
NAVOIY LIRIKASIDA QADIMIY TURKIY SHE’RIYAT AN’ANALARI TAKOMILI…….............. 55

7. **Məsmə ISMAYILOVA**
AZƏRBAYCAN VƏ İNGİLİS FOLKLORUNDA OXŞAR CƏHƏTLƏR…................ 62

8. **Aytən ABBASOVA**
ÖMƏR SEYFƏDDININ BƏDII NƏSRINDƏ DÖVRÜN ICTIMAI-SIYASI SƏCIYYƏSI…….............. 68

9. **Jumagul SUVONOVA**
ARBA’IN-HADITH AND POETICS OF TRADITIONS OF THE XXI CENTURY IN ALISHER NAVOI’S WORK……….............. 79

**ADABIY ALOQALAR VA TARJIMASHUNOSLIK**

10. **Bülent BAYRAM**
ZARIF BASHIRIYNING “O‘ZBEK ADABIYOTI” NOMLI ASARI: MAZMUN VA MUNOSABAT O‘RGANILISHI……….............. 85

**TURK DUNYOSI GEOPOLITIKASI**

**11. Juliboy ELTAZAROV**

BÜYÜK İPEK YOLUNDAKİ KÜLTÜRLER ARASI İLİŞKİLERİN ARACI OLARAK İPEK VE BAHARAT........................................................................... 98

**TURKIY TILLAR DIALEKTOLOGIYASI**

**12. Sevinc SADIQOVA**

AZƏRBAYCAN DİLİ DİALEKT VƏ ŞİVƏLƏRİNDƏ İŞLƏNƏN ARXAİK LEKSİK VAHİDLƏRİN TÜRK DİLLƏRİNDƏ PARALELLƏRİ................................ 108

**13. Shavkat MAHMADIYEV**

TURKIYSHUNOSLIKKA OID TADQIQOTLARDA DIALEKTAL BIRLIKLARNING O‘RGANILISH MASALALARI…………………….................. 117

**TURKIY XALQLARNING IJTIMOIY-MADANIY ALOQALARI TARIXI**

**14. Кемал Явуз АТАМАН**

ИККИ ЕТАКЧИ САҲОБА: ҚУСАМ ИБН АББОС ВА АБУ АЙЮБ АЛ-АНСОРИЙ ҲАМДА ИККИ МУҲИМ ШАҲАР: САМАРҚАНД ВА ИСТАНБУЛ............................................................................................................ 122

**FOLKLORSHUNOSLIK**

**15. Ahmad RAHIMOV**

O‘ZBEK XALQ DOSTONLARI LEKSIKASINING TARIXIY ASOSLARI................ 136

**16. Simuzər ƏLIYEVA**

FOLKLOR NÜMUNƏLƏRİ ƏSASINDA LİRİK ƏSƏRLƏRİN İFADƏLİ OXUSUNUN TƏŞKİLİ.......................................................................................... 145

**YUBILYARLARIMIZ**

**17.** SO‘Z DURLARIN TERMOQDIR ISHI…………………………………................. 152

**BIZNING NASHRLARIMIZ**

**18.** TEMURIYLAR SIVILIZATSIYASIGA DOIR IZLANISHLAR…………….............. 154

**19.** MAHMUD KOSHG‘ARIYNING “DEVONU LUG‘ATI-T-TURK” ASARIDAGI OLAMNING LISONIY MANZARASI……………………................................... 155

**20.** O‘RXUN-YENISEY OBIDALARI MATNLARINI O‘QISH VA TRANSKRIPSIYA QILISH MUAMMOLARI…………………………............................................ 156

## *AZIZ MUSHTARIY!*

*Davlatimiz tomonidan olib borilayotgan ijtimoiy-ma'rifiy, ilm-u fanni rivojlantirishga qaratilgan siyosat, Turkiy Davlatlar Tashkilotining Samarqandda o'tkazilgan sammitida ko'zda tutilgan o'zaro aloqalarni jadallashtirish bo'yicha ishlab chiqilgan dastur va loyihalarni amalga oshirish hamda turkologiya sohasida olib borilayotgan ilmiy-tadqiqot ishlarini muvofiqlashtirish va yoritish maqsadida Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universitetida "Turkologik tadqiqotlar" xalqaro jurnali ta'sis etildi. Jurnal turkiy til va shevalar, Markaziy Osiyo turkiy xalqlari lisoniy va adabiy aloqalari tarixi, ijtimoiy-madaniy sohalarda amalga oshirilayotgan ilmiy-tadqiqot ishlarining natijalarini e'lon qilishga mo'ljallangan. Jurnalda muharrir minbari, tadqiqotlar, ilmiy axborot, taqriz va e'tirof, ilmiy anjuman, yosh tadqiqotchi, xotira, yubilyarlarimiz kabi ruknlar mavjud. O'zbek, turk, rus, ingliz va barcha turkiy tillarda yozilgan maqolalar qabul qilinadi.*

***TAHRIRIYAT***

## *DEAR READER!*

*B In order to implement programs and projects developed to accelerate the relationship envisaged at the summit of the Organization of Turkic States held in Samarkand, as well as to coordinate and highlight the research work carried out in the field of Turkic studies, the International Journal, Samarkand State University named after Sharof Rashidov, "Turkological Studies" passed the state registration. The journal is intended to publish the results of scientific research in the field of Turkic languages and dialects, the history of linguistic and literary relations of the Turkic peoples of Central Asia, the socio-cultural field. There are such headings as a young researcher, memory and our anniversaries. Articles written in Uzbek, Turkish, Russian, English and all Turkic languages are accepted.*

***EDITORIAL BOARD***

## *SEVGİLİ OKUYUCU!*

*Özbekistan Cumhuriyeti devletinin sosyal-eğitimsel ve bilimsel gelişme politikasının başarılı şekilde uygulanmasına yardımcı olmak amacıyla, Semerkant'ta düzenlenen Türk Devletleri Teşkilatının zirvesinde öngörülen karşılıklı ilişkilerin hızlandırılması için geliştirilen program ve projeleri uygulamak, bilimsel çalışmaları koordine etmek, Türkoloji alanında yürütülen araştırma çalışmaları Semerkant Devlet Üniversitesi, uluslararası "Türkoloji Araştırmaları" dergisini tescil etmiştir. Dergi, Türk dili ve lehçeleri, Orta Asya Türk topluluklarının dil ve edebiyat ilişkileri tarihi, sosyo-kültürel alanlardaki bilimsel ve araştırma çalışmalarının sonuçlarını yayınlamayı amaçlamaktadır. Dergimizde editör kürsüsü, araştırma, bilim dünyasından, inceleme ve tanıma, bilimsel konferans, genç araştırmacı, hatıra, yıldönümleri gibi sütunlar yer almaktadır. Özbekçe, Türkçe, Rusça, İngilizce ve tüm Türk lehçelerinde yazılmış makaleler kabul edilmektedir.*

***YAYIN KURULU***

## *УВАЖАЕМЫЙ ЧИТАТЕЛЬ!*

*В целях реализации программ и проектов, разработанных для ускорения взаимоотношений, предусмотренных на состоявшемся в Самарканде саммите Организация Тюркских Государств, а также координации и освещения научно-исследовательской работы, проводимой в области тюркологии, Международный журнал, Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова, «Тюркологические исследования» прошел государственную регистрацию. Журнал предназначен для публикации результатов научно-исследовательских работ в области тюркских языков и диалектов, истории языковых и литературных связей тюркских народов Средней Азии, социокультурной области. В журнале есть такие рубрики, как подиум редактора, исследования, научная информация, рецензия и признание, научная конференция, молодой исследователь, память, юбилеи. Принимаются статьи, написанные на узбекском, турецком, русском, английском и всех тюркских языках.*

***РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИИ***

## QUTLOV XATI



O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 24-iyuldagi “Samarqand davlat universiteti faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 571-son Qarori, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabrdagi PF-5847-son Farmoni bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 13-yanvardagi “Samarqand Davlat universiteti faoliyatini yanada takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-82-sonli Qarorida belgilangan vazifalar ijrosini bosqichma-bosqich ta’minlash hamda turkiy dunyoning bebaho merosini saqlab qolish, uni chuqur o‘rganib, kelgusi avlodlarimizga bezavol yetkazish, “Turkiy sivilizatsiyaning yangi davri: umumiy taraqqiyot va farovonlik sari” shiori ostida yangi yuksalish bosqichida amalga oshiriladigan ilmiy izlanishlarni xalqaro sahnada namoyish etish maqsadida Sharof Rashidov nomidagi Samarqand Davlat universiteti Turkologiya ilmiy-tadqiqot instituti qoshida “Turkologik tadqiqotlar” xalqaro jurnali ta’sis etildi.

Turkiy xalqlarning ijtimoiy-madaniy aloqalari tarixi, Turk dunyosi tadqiqotlari, turkiy tillar dialektologiyasi, folklorshunoslik, qiyosiy tilshunoslik va adabiyotshunoshlik, adabiy aloqalar va tarjimashunoslik, turk dunyosi geopolitikasi sohasida olib borilayotgan ilmiy-tadqiqot ishlarining natijalarini yoritish maqsadida chop etilishi ko‘zda tutilgan ushbu ilmiy jurnalni Oliy Attestatsiya Komissiyasi, “Scopus” va boshqa xalqaro ilmiy bazalarning ro‘yxatiga kiritish rejalashtirilgan. Jurnalda O‘zbekiston, shuningdek, AQSH, Turkiya va Ozarbayjon davlatlari olimlaridan iborat tahririyat kengashi shakllantirilgan. Jurnaldagi maqola va materiallar o‘zbek, turk va boshqa turkiy tillarda hamda rus, ingliz tillarida, bosma va elektron shaklda jamoatchilikka taqdim etiladi.

Ushbu jurnalning Turkiy dunyoda o‘zaro aloqalarni jadallashtirish bo‘yicha ishlab chiqilgan “Turkiy dunyo nigohi – 2040” konsepsiyasi, “Turkiy davlatlar tashkilotining besh yillik strategiyasi”ni amalga oshirish, eng asosiysi – tarixi, tili va madaniyati mushtarak bo‘lgan qardosh xalqlar va davlatlar o‘rtasidagi ilmiy hamkorlikni yuksak pog‘onaga olib chiqishga, 170 millionga yaqin aholi yashaydigan ulkan mintaqani o‘z ichiga olgan Turkiy Davlatlar Tashkiloti nufuzini yanada mustahkamlashga hamda mamlakatimizning xalqaro miqyosdagi imijini yuksaltirishga munosib hissa qo‘shishiga ishonamiz. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2022-yil 11-sentabrda Samarqandda bo‘lib o‘tgan Turkiy Davlatlar Tashkilotining Birinchi Sammitida ta’kidlaganidek, “Bebaho ma’naviy xazinani barcha a’zo va kuzatuvchi davlatlar tillarida ham chop etsak, qardosh ellarimizni, avvalambor, yosh avlodlarimizni o‘zaro yaqinlashtirish uchun mustahkam zamin yaratgan bo‘lar edik”. Bu yo‘lda jurnal xodimlari hamda mualliflariga, uning dunyoning turli qismlaridagi o‘quvchilariga omad tilaymiz!

**Prof. Dr. Rustam XALMURADOV,**

***O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi senatori, Sharof Rashidov nomidagi Samarqand Davlat universiteti rektori***

## KUTLAMA MESAJI



Özbekistan Cumhuriyeti Bakanlar Kurulu'nun 24 Temmuz 2018 tarihli "Semerkant Devlet Üniversitesi'nin faaliyetlerinin daha da iyileştirilmesine yönelik tedbirler hakkında"ki 571 sayılı, Özbekistan Cumhuriyeti Cumhurbaşkanı'nın 8 Ekim 2019 tarihli PF-5847 sayılı Kararıyla onaylanan Özbekistan Cumhuriyeti yüksek öğretim sisteminin 2030 yılına kadar geliştirilmesi konsepti, Özbekistan Cumhuriyeti Cumhurbaşkanı'nın 13 Ocak 2022 tarihli "Semerkant Devlet Üniversitesi'nin faaliyetlerini daha da geliştirmek için ek önlemler hakkında"ki PQ-82 sayılı Kararnamelerde belirtilen görevlerin adım adım uygulanması ve Türk dünyasının paha biçilmez mirasını korumak, incelemek ve gelecek nesillere aktarmak, Semerkand Devlet Üniversitesi "Türk medeniyetinde yeni bir dönem: ortak kalkınma ve refaha doğru" sloganıyla gelişmenin yeni aşamasında yürütülen bilimsel araştırmaları uluslararası sahnede sergilemek amacıyla Semerkant Devlet Üniversitesi bünyesindeki Türkoloji Araştırma Enstitüsünün bilimsel yayını olarak uluslararası "Türkoloji Araştırmaları" dergisi kurulmuştur.

Türk Dünyasındaki sosyo-kültürel ilişkilerin tarihi, Türk Dünyası araştırmaları, Türk Lehçeleri diyalektolojisi, Türk Dünyasının jeopolitiği, Folklor çalışmaları, Karşılaştırmalı dilbilim ve edebiyat çalışmaları, Edebyat ilişkileri ve çeviri çalışmaları alanlarındaki bilimsel araştırmaların sonuçlarını öne çıkarmak amacıyla yayınlanmak üzere hazırlanmış bu derginin Özbekistan Yüksek Öğretim Kurulu, "Scopus" ve diğer uluslararası bilimsel veritabanları listesine dahil edilmesi planlanmaktadır. Derginin yayın kurulu Özbekistan, ABD, Türkiye ve Azerbaycanlı bilimadamlarından oluşmaktadır. Dergide yer alan yazı ve materyaller, Özbekçe, Türkçe ve diğer Türk dillerinin yanı sıra Rusça, İngilizce, basılı ve elektronik ortamda kamuoyuna sunulmaktadır.

Bu derginin, Türk Dünyasında karşılıklı ilişkilerin hızlandırılması için geliştirilen "Türk Dünyası Vizyonu – 2040" konseptinin ve "Türk Devletleri Teşkilatının Beş Yıllık Stratejisi"nin hayata geçirilmesi, en önemlisi ortak tarih, dil ve kültüre sahip kardeş halklar ile ülkeler arasındaki bilimsel işbirliğini daha üst düzeye taşımaya, 170 milyondan fazla nüfusuyla devasa bir coğrafyayı yayılmış Türk Devletleri Teşkilatı'nın etkisini daha da güçlendirmeye ve ülkemizin uluslararası düzeydeki imajının yükseltilmesine değerli bir katkı sağlayacağına inanıyoruz.

Sn Cumhurbaşkanımız Şevket Mirziyayev'in 11 Eylül 2022 tarihinde Semerkant'ta düzenlenen Türk Devletleri Teşkilatı'nın 1. Zirvesi'nde belirttiği gibi, "Bu paha biçilmez manevi hazineyi tüm üye ve gözlemci devletlerin dillerinde yayınlarsak, başta genç nesillerimiz olmak üzere kardeş ülkelerimizi birbirine yakınlaştırmanın sağlam temellerini atmış oluruz". Bu yolda derginin ekibine ve yazarlarına olduğu kadar dünyanın farklı yerlerindeki okuyucularına da başarılar diliyoruz!

**Prof. Dr. Rüstem HALMURADOV,**

***Özbekistan Cumhuriyeti Yüksek Meclisi Senatörü, Şeref Reşidov adına Semerkant Devlet Üniversitesi Rektörü***

## LETTER OF CONGRATULATION



In order to implement the tasks step-by-step specified in the Resolution No. 571 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated July 24, 2018 “On measures to further improve the activities of Samarkand State University”, the concept of the development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5847 dated October 8, 2019, and in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 13, 2022 “On additional measures to further improve the activities of Samarkand State University” PQ-82 and preserve the priceless heritage of the Turkic world, study it in depth and pass it on to our future generations, demonstrate scientific research on the international stage under the slogan “New Era of Turkish Civilization: Towards Common Development and Prosperity”, The international journal “Turkological Research” was established under the Turkology Research Institute of Samarkand State University named after Sharof Rashidov.

This scientific journal is intended to be published to highlight the results of scientific research in the fields of the history of socio-cultural relations of the Turkic peoples, research of the Turkic World, dialectology of Turkic languages, geopolitics of the Turkic World, folklore studies, comparative linguistics and literary studies, literary relations and translation studies. It is planned to include this scientific journal in the list of the Higher Attestation Commission, “Scopus” and other international scientific databases. The journal has an editorial board consisting of scientists from Uzbekistan, the USA, Turkey, and Azerbaijan. Articles and materials in the journal are presented to the public in Uzbek, Turkish, and other Turkic languages, as well as in Russian, and English, in printed and electronic forms.

We believe that this journal will make a worthy contribution to raising the image of our country at the international level, implementation of the concept of “Turkic World View – 2040” developed for the acceleration of mutual relations in the Turkic world and “Five-year strategy of the Organization of Turkic States”, the most important thing is to bring the scientific cooperation between brotherly peoples and countries with a common history, language and culture to a higher level, and further strengthen the influence of the Organization of Turkic States, which includes a huge region with about 170 million inhabitants.

As our President Shavkat Mirziyoyev stated at the First Summit of the Organization of Turkic States held in Samarkand on September 11, 2022, “If we publish this priceless spiritual treasure in the languages of all member and observer states, we would create a solid foundation for bringing our brotherly countries, especially our young generations closer to each other”. We wish good luck to the journal’s staff and authors, as well as its readers in different parts of the world!

**Prof. Dr. Rustam KHALMURADOV,**

***Senator of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, Rector of Samarkand State University named after Sharof Rashidov***

## ПРИВЕТСТВЕННОЕ ПИСЬМО



Согласно Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 24 июля 2018 года № 571 “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Самаркандского государственного университета”, Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года, утвержденная Указом Президента Республики Узбекистан от 8 октября 2019 года № ПФ-5847, и задаче, поставленной в постановлении Президента Республики Узбекистан от 13 января 2022 года № ПП-82 “О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Самаркандского государственного университета” под девизом “Новая эра тюркской цивилизации: к общему прогрессу и процветанию”, с целью глубокого изучения и сохрания бесценного наследия тюркского мира, и чтобы безукоризненно передать его будущим поколениям, был учрежден международный журнал “Тюркологические исследования” при Научно-исследовательском институте Тюркологии Самаркандского государственного университета им.Шарафа Рашидова.

Данный научный журнал, планируется включить в базу Высшей аттестационной комиссии, “Scopus” и других международных научных изданий, который предназначен для освещения результатов научно-исследовательской работы в области истории социокультурных связей тюркских народов, диалектологии тюркских языков, фольклористики, сравнительного языкознания и литературоведения, литературных связей и переводоведения, геополитики тюркского мира. В журнале сформирован редакционный совет, состоящий из ученых Узбекистана, США, Турции и Азербайджана. Статьи и материалы журнала доступны общественности на узбекском, турецком и других тюркских языках, а также на русском, английском языках, в печатном и электронном виде.

Разработанная этим журналом концепция “Видение тюркского мира – 2040” для ускорения взаимоотношений в тюркском мире, реализации “Пятилетней стратегии Организации тюркских государств” – главное между братскими народами и стран с общей историей, языком и культурой. Надеемся, что она внесет достойный вклад в вывод научного сотрудничества на более высокий уровень, в дальнейшее укрепление авторитета Организации тюркских государств, включающей в себя огромный регион с населением около 170 млн. жителей, а также повышению имиджа нашей страны на международном уровне. Как отметил наш Президент Шавкат Мирзиёев на Первом Саммите Организации тюркских государств в Самарканде 11 сентября 2022 года: “Если бы мы напечатали бесценное духовное сокровище на языках всех государств-членов и наблюдателей, мы создали бы прочную основу для сближения наших братских народов и, прежде всего, нашего молодого поколения”. Удачи на этом пути сотрудникам и авторам журнала, его читателям из разных уголков мира!

**Проф. Др. Рустам ХАЛМУРАДОВ,**

***Сенатор Олий Мажлиса Республики Узбекистан, ректор Самаркандского государственного университета имени Шарафа Рашидова***

# TILSHUNOSLIK

## ЭСКИ ЛУҒАТЛАРДАГИ ФОНЕТИК ИЗОҲЛАР ВА АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН СЎЗЛАРНИ ТЎҒРИ ЎҚИШ МАСАЛАСИ

**Қосимжон СОДИҚОВ,**
филология фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат шарқшунослик университети

**АННОТАЦИЯ**

Алишер Навоий яшаган чоғлардан то ўтган юзйил бошларига қадар бўлган оралиқда классик ўзбек тили (“чиғатой тили”) асарлари бўйича луғатлар яратилган. Луғатларда классик асарларда ишлатилган сўзларнинг маънолари билан бир қаторда, уларнинг фонетик хусусияти, ёзилиши ва талаффузи, полифоник ҳарфларнинг ушбу ўриндаги вазифаси, сўзларнинг фонетик вариантлари кенг қамровда ёритилган. Луғатчилар танлаган принциплар турк лексикографияси ва тилшунослигининг тарихий метод ҳамда анъаналари, қолаверса, классик ўзбек ёзма адабий тили матнларида қўлланган сўзларни тўғри ўқиб, мазмунини тўғри талқин этиш имконини беради.

Ушбу мақола эски луғатларда келтирилган фонетик изоҳлар ва уларнинг талқинига бағишланган.

**Калит сўзлар:** лексикография, тарихий лексикография, “чиғатой тили”, сўз, семантика, луғатлар, фонетика, фонетик изоҳлар, арабча ҳарфларнинг ўқилиши, ҳарфларнинг фонетик вазифаси, тарихий тилшунослик.

---

## ФОНЕТИЧЕСКИЕ ОБЪЯСНЕНИЯ В СТАРИННЫХ СЛОВАРЯХ И ПРОБЛЕМА ПРАВИЛЬНОГО ЧТЕНИЯ СЛОВ, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ АЛИШЕРА НАВОИ

**Касымжон САДИКОВ,**
доктор филологических наук, профессор,
Ташкентский государственный
университет востоковедения

**АННОТАЦИЯ**

Со времен Алишера Навои до начало прошлого столетия созданы многочисленные словари по произведениям классического узбекского («чагатайского») языка. В них наряду с пояснениях значений слов классического языка, также широкомасштабном форме розяснены их фонетические особенности, орфоэпия и правописания слов, фонетические функции букв и вариантов данных единиц. Принципы в данных словарях дают не только изучениям исторических методов и традиций тюркской лексикографии и языкознаний, но и дают возможность правильного чтения и достоверного толкования значений слов в классических письменно-литературных текстах.

Данная статья посвящена фонетическим толкованиям в данных словарях и их розяснениям.

**Ключевые слова:** лексикография, историческая лексикография, “чагатайский язык”, слово, семантика, словари, фонетика, фонетические пояснения, чтение арабских букв, фонетические функции букв, историческое языкознание.

## PHONETIC EXPLANATIONS IN OLD DICTIONARIES AND THE PROBLEM OF CORRECT READING OF WORDS USED IN ALISHER NAVOI’S WORKS

**Kasimjon SADIKOV,**
doctor of philological sciences, professor,
Tashkent State University of Oriental Studies

**ANNOTATION**

From the time when Alisher Navoi lived to the beginning of the last century, numerous dictionaries were created based on the works of the classical Uzbek (“Chagatai”) language. In dictionaries, along with definitions of words which were used in classical works, their phonetic features, writing and spelling of them, functions of polyphonic letters in this position, phonetic options of words were highly explained.

The principles were chosen by lexicographers provide an opportunity to study the historical methods and traditions of Turkic lexicography and linguistic as well as for the correct reading and the reliable interpretation of the meaning of the words used in the classical Uzbek written literary texts.

This article is about phonetic explanations and their interpretations used in old dictionaries.

**Key words:** lexicography, historical lexicography, "Chagatai language", word, semantics, dictionaries, phonetics, contrasting explanations, reading Arabic letters, background functions of letters, historical linguistic knowledge.

**Сўзбоши.** Ўзбек тилшунослиги тарихида Низомиддин Мир Алишер Навоий асарларида қўлланган сўзларни жамлаб, изоҳли луғатлар тузиш, «чиғатой тили» бўйича илмий грамматик китоблар яратишга эътибор кучли эди. Бундай луғатлар ва грамматикалар форсча ва туркий тилларда бўлиб, Навоий яшаган чоғлардан то ўтган юзйил бошларига қадар бўлган оралиқда яратилган. Уларда Мавлоно Лутфий, Мир Ҳайдар, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари ижодкорларнинг асарларидан олинган сўзларнинг маънолари очиқланган. Ушбу луғатлар айни чоғда ўз даврининг грамматик асарлари ҳам саналади. Луғат эгалари классик манбаларда, биринчи галда, Навоий асарларида ишлатилган сўзларнинг маъноларини изоҳлар экан, уларнинг талаффузи, ўзига хос фонетик хусусиятига ҳам тўхталиб ўтганлар. Айрим луғатларда «чиғатой тили»нинг фонетика ва морфология бўлимлари ёритилиб, сўнгра луғат қисмига кўчилади.

Луғатларда сўзлар маъноси ва унинг товуш хусусиятини изоҳлашнинг ўзига яраша принциплари амал қилган. Луғатчилар танлаган принциплар туркий лексикография ва тилшунослигининг тарихий метод ҳамда анъаналари, қолаверса, классик ўзбек ёзма адабий тили матнларида қўлланган сўзларни тўғри ўқиб, мазмунини тўғри талқин этиш имконини беради.

**Луғатлардаги фонетик изоҳлар Навоий ишлатган сўзларни тўғри ўқиш очқичидир.** Луғатларда классик асарларда ишлатилган сўзларнинг маънолари билан бир қаторда, уларнинг фонетик хусусияти, ёзилиши ва талаффузи, полифоник ҳарфларнинг ушбу ўриндаги вазифаси, сўзларнинг фонетик вариантлари кенг қамровда ёритилган. Бу нарса бошқа тил эгалари, қолаверса, қипчоқларга ёки ўғуз туркларига, айниқса, усмонли туркчасида сўзловчиларга «чиғатойча» матнларни ўқиш ва уларнинг маъносини талқин этишда қўл келган.

Луғат тузувчилар сўзларнинг ўқилиши ва англамини изоҳлар экан, айни шакл ва маънода қай бир ижодкорнинг асарида, ҳатто қандай вазиятда қўлланганини айтиб, ўша байт ёки жумлани мисол келтирадилар.

Классик асарларда ишлатилган сўзлар маъноси, уларнинг фонетик жиҳати, ҳарфларнинг ўқилиши борасида луғатчиларнинг ўзига хос ёндашувлари, талқин усуллари бор.

Ёзилиши бир хил, талаффузи турлича бўлган сўзларнинг ҳар бири мустақил сўз мақола сифатида берилади.

Масалан:

ot (اوت) – «ātaš» ma’nāsïnadur (DDT, 1869: 76);

ot (اوت) – «yerdä bitän ot» ma’nāsïnadur (DDT, 1869: 76);

öt- (اوت) – imāla ilä; «amr edüp geč-» demäkdür (DDT, 1869: 78).

Ёзилиши ва ўқилиши бир хил, лекин бир неча маънони англатган сўзларнинг мисоли:

ötmäk (اوتماک) – kāf ’arabîdur; «getmäk» va «gečmäk» va daxï «etmäk» demäkdür, «nān» ma’nāsïna (DDT, 1869: 90).

Демак, ötmäk сўзи öt- нинг масдари бўлиб, «кетмак», «кечмак» маъноларини англатади. Шунингдек, эски туркий битиглардаги «нон» маъносини англатган etmäk сўзи Навоий асарларида ötmäk шаклида ишлатилган. «Қутадғу билиг»да бу сўз etmäk шаклидадир: tuz-etmäk – жуфт сўз. «туз-нон» (ҚБС, 2020: 276). Навоий асарларидаги ötmäk сўзи öt- феълидан ясалган эмас, у қадимги etmäkнинг фонетик жиҳатдан ўзгарган (e>ö) вариантидир: etmäk>ötmäk. Кўриниши ва айтилиши бир хил бўлгани учун «Абушқа»нинг муаллифи уни шу ерда эслаб ўтган, холос. Бундай фонетик ҳодиса бошқа сўзларда ҳам бор: «Қутадғу билиг»да – ew (ҚБС, 2020: 100); ҳозирги ўзбек адабий тилида – üy (адаб.орф.: уй); уйғурчада ва Тошкент шевасида – öy.

Чоғиштиринг, XVIII юзйилда яшаб ижод этган ёзувчи, тарихчи ва олим Мирзо Меҳдихон Астрабодийнинг (унинг Мўнший, Мозандароний, Кавкаб лақаблари ҳам бор) Навоий асарлари бўйича тузган туркча-фосча «Санглоҳ» луғатида: ötmäk (اوتماک) ҳамда etmäk (اتماک) – «нон» (Sang,120a: 11); ötmäkči (اوتماکچی) – «нонвой» (Sang, 120a: 13).

Луғатда «нон» англамидаги etmäk ва ötmäk сўзларининг изоҳланиши шундай:

etmäk (اتماک) – «сукунли tā ва fatḥa ли mīm билан» (besukūn-e tā va fatḥ-e mīm) айтилган;

ötmäk (اوتماک) эса «ḍamma ли алиф билан» (beḍamm-e alif) айтилган (Sang, 85a).

Ёки яна «Абушқа»да:

ötük (اوتوک) – kāf-e ’arabîla; «gečmiš» demäkdür va «ayaγa giyilän edük» ma’nāsïnadur-ki, «Ḥayratu-l-abrār»da yedinji maqālada gelür, bayt:

Altun ïsïrγa-ki, qulaγ aγrïtur,
Zarčïl ötükdür-ki, ayaγ aγrïtur (DDT, 1869: 90).

Бундан англашиладики, ötük сўзи жарангсиз [k] билан айтилган; бу сўз «кечмиш» дегани, шунингдек, ҳозирги ўзбек тилидаги «этик» ҳам Навоий асарларида ötük деб талаффуз қилинган.

Болалигимдан яхши эслайман, илгари ўзбек оғизларида ҳам бу сўз ötük дейиларди.

**Унлилар талаффузини англатувчи атамалар.** Толе Имоний ўзининг «Бадоеу-л-луғат»ида mamdūda атамасини «чўзиқ» деган маънода қўллаган. Жумладан, у maddали alifни alif-e mamdūda, яъни «чўзиқ alif» деб атайди:

atlïγ (آتليغ) – baalif-e mamdūda; nāmdār. – чўзиқ alif билан; «номдор» (BL, 6b: 10).

asïγ (آسيغ) – baalif-e mamdūda va ‘ayn-e mo‘jama; fāyda va asarrā gōyand. – чўзиқ alif ва нуқтали ‘ayn билан; «фойда» ва «натижа»ни айтадилар (BL, 9a,12–9b: 1).

arïγ (آريغ) – baalif-e mamdūda va ‘ayn-e mo‘jama; pāk va nahr-e ābrā gōyand. – чўзиқ alif ва нуқтали ‘ayn билан; «пок, тоза» ва «сув ариғи»ни айтадилар (BL, 9b: 6).

aldaγ (آلداغ) – baalif-e mamdūda; firīb. – чўзиқ alif билан; «фириб, алдов» (BL, 14b: 7).

Луғатчи қўллаган alif-e maftūḥa атамаси очиқ alifни англатади. Бунинг мисоллари шундай:

ata (اتا) – baalif-e maftūḥa; padaro. – fatḥали, яъни очиқ alif билан «ота»; ana (انا) – шу ҳаракат билан, бир нуқтани тушириб қолдириб, «она»ни айтадилар (BL, 9a: 4).

aqa (آقا) – baalif-e mamdūda; barādar va xvāharča-e bozorgist. – чўзиқ alif билан; «оға» ва «эгачи»дир (BL, 9a: 7).

Луғатда ишлатилган bafatḥ-e alif атамасининг маъноси fatḥали alif дир:

ayaγ (اياغ) – bafatḥ-e alif va ‘ayn-e mo‘jama; pā va piyāla va sāγarrā gōyand. – fatḥали alif ва ‘ayn-e mo‘jama билан; «оёқ» ҳамда «пиёла» ва «соғар»ни айтадилар (BL, 10a: 5).

Бу сўзнинг «пиёла» ва «соғар» маъносига мисол қилиб келтирган байти шундай:

Ey Navāyî, čūn köŋül berdim ačïlmas bādadïn,

İstäsäŋ ul otnï ravšan, dam-badam tutqïl ayaγ (BL, 10a: 8–9).

baḍam-u alif атамаси ḍammали alif, яъни [u] товушига ишора қилади:

učmaq (اوچماق) – baḍam-u alif va jīm-e fārsî. – ḍammали alif ва форсча jīm билан; ҳақиқатан, «беҳишт, жаннат»ни айтадилар; мажозан «шамъ» ва «чироқнинг ўчиши»ни айтадилар; «учмоқ» маъносида ҳам келган (BL, 21b: 8).

alifu-l-maksūra атамаси «синиқ alif», яъни [e] товушини англатади. Масалан:

egri (ايكرى) – baalifu-l-maksūra; kaj. – alifu-l-maksūra [синиқ alif] билан; «эгри» (BL, 39b: 10).

Луғатчи қўллаган išba’ атамаси «тўйинтирилган», яъни чўзиқ унлини англатади. Мисолларга эътибор қилинг:

ilig (ايليك) – balkasr val-išba’; dastrā gōyand. – kasraли išba’ билан; «қўл»ни айтадилар (BL, 40a: 9).

uruš (اوروش) – baalḍamma va-l-išba’; jaŋ. – ḍammали ва чўзиқ (унли билан); «жанг» (BL, 31a: 2).

orun (اورون) – bališba’; ‘ibārat az jā va maqām-ast. – тўйинтирилган, яъни чўзиқ (унли билан); «жой» ва «ўрин, даража» маъносидадир (BL, 25a: 2–3).

«Абушқа» луғатининг муаллифи чўзиқ унлиларга нисбатан imāla атамасини ҳам ишлатган. Масалан:

uy (اوى) – imāla ilä; «ṣïγïr» ma’nāsïna gelür (DDT, 1869: 122).

öl (اول) – imāla ilä; muṭlaq yašdur «nam» ma’nāsïna va «daryā» ma’nāsïna daxï gelür (DDT, 1869: 113).

**kāf ҳарфининг ўқилиши.** Туркий матнларда kāf ҳарфи ҳам икки хил вазифани бажарган: у жарангсиз [k] ва жарангли [g] товушларини англатади. Навоий асарлари бўйича тузилган эски луғатларда [k] учун kāf-e ’arabî, яъни «арабча kāf»; жарангли [g] учун эса kāf-e ’ajamî, яъни «ажамча kāf» атамалари ишлатилган.

Туркий халқлар ўтмишда қўллаган ёзувлар ичида фақат кўк турк алифбосидагина жарангсиз [k] ва жарангли [g] учун айри-айри ҳарфлар бор эди. Қолган ёзувларда (уйғур, араб ёзувларида) эса [g] ва [k] товушлари ёзувда фарқ қилмайди, иккови ҳам kāf ҳарфи билан берилган. Шунга қарамай, котиблар, луғат тузувчилар тарафидан уларни фарқлашга уринишлар бўлган. Жумладан, айрим ўринларда жарангсиз [g]ни фарқлаш учун kāfнинг устига уч нуқта ҳам қўйиб кетилган.

«Девону луғати-т-турк» қўлёзмасида: اُكَا ögä, яъни «доно» сўзида (МК, 1990: 5a). Ёки асарда γunna ли ŋ товуши ҳам ана шундай ҳарф билан берилган: انكْ aŋ – « янoқ»; قزلْ انكْ qïzïl aŋ – «қизилмағиз» (МК, 1990: 16b); انكْ aŋ – қуш номи (МК, 1990: 16b); اُنكْ öŋ – «ўнг, олд» (МК, 1990: 16b); اُنكْ öŋ – «ранг» (МК, 1990: 16b); اُنكْ ايشْ oŋ iš – «ўнг иш» (МК, 1990: 16b); اُنكْ oŋ – «ўнг» («сўл»нинг тескариси) (МК, 1990: 16b).

Бундан ташқари, Маҳмуд Кошғарий [g] ва [k]ларнинг талаффузини акс эттириш мақсадида турли грамматик атамалар(терминлар)дан ҳам фойдаланган.

У туркий сўзлардаги жарангли [g] товушини kāfun rakīkatun атамаси билан изоҳлаган. Арабча rakīka аслида «ингичка» дегани, лекин у kāfга нисбатан қўлланганда «жарангли» маъносини билдиради. Луғатда берилишига мисол: كُوكْ küg – жарангли kāf (яъни, [g] билан) (bikāfin rakīkatin), «шеър ўлчови, вазни»; масалан: bu yïr ne küg üzä-ol – «бу шеър қандай вазнда?» (МК, 1990: 250b).

Жарангсиз [k]га келсак, уни аввалгиси билан қориштириб юбормаслик учун, kāfun ṣulbatun атамаси билан берилган; ṣuluba асли «йўғон» дегани, лекин бу ўринда «жарангсиз»ни билдиради. Масалан: كُوكْ kök – жарангсиз kāf (яъни [k]) билан (bi-l-kāfi-ṣ-ṣulbati), «кўк, осмон». Бу сўз қуйидаги мақолда ҳам келган: Kökkä süδsä, yüzkä tüšür. – «Кўкка тупурса, юзга тушади» (МК, 1990: 251a).

«Абушқа» луғатининг муаллифи эса [g] ва [k]лар учун бошқа атамалардан фойдаланган: жарангли [g] учун kāf-e ’ajamî («ажамча kāf»), жарангсиз [k] учун эса kāf-e ’arabî («арабча kāf») атамасини қўллайди.

Мисолларга эътибор беринг:

itik (ايتيک) – kāf kāf-e ’arabîdur; bu daxï «keskin» va «tez» ma’nāsïnadur (DDT, 1869: 42).

öksük (اوکسوک) – kāf  kāf-e ’arabîdur; «eksik» demäkdür (DDT, 1869: 111);

kökümtül (کوکومتول) – kāflar kāfe ’arabîdur; «köm-kök» demäkdür (DDT, 1869: 370).

berk (بيرک) – kāf-e ’arabî ilä; «berk-u maḥkam» ma’nāsïnadur (DDT, 1869: 137).

bičäk (بيجک) – kāf ’arabîdur; «ignä» demäkdür, «sozan» manāsïna-ki, «Ğarāyibu-ṣ-ṣiγar»da gelür (DDT, 1869: 136).

üsrük (اوسروک) – kāf-e ’arabîyla; «mast» ma’nāsïna gelür (DDT, 1869: 108).

ölük (اولوک) – kāf kāf-e ’arabîdur; «murda» ma’nāsïnadur (DDT, 1869: 116).

čüčük (چوچوک) – kāf-e ’arabîla; «ṭatlu» demäkdür (DDT, 1869: 248).

öksük (اوکسوک) – kāf kāf-e ’arabîdür; «eksük» demäkdür-ki, «Badāye’u-l-vasaṭ»da gelür, bayt:

Meni-ki muγbača der ičrä äylädi üsrük,
Ne taŋ közümgä quyaš bolsa δarradïn öksük (DDT, 1869: 111).

«Луғат-и Навоий»да: امکاک emgäk – kāf-e avval ’ajamî va sānî ’arabîdur; «emik» va «zaḥmat-u mašaqqat» ma’nāsïnadur; «emik mulk» ma’nāsïna daxï kelür (LN, 3b: 3).

ertäk (ایرتاک) – kāf ’arabîdur (LN, 5a: 2).

ešik (ایشیک) – kāf ’arabîdur; «qapu»ya derlär (LN, 5b: 2).

Энди «ажамча kāf»нинг мисоли, «Абушқа»дан:

berürgä (بیرورکا) – kāf kāf-e ’ajamîdur; «vermäk ičün» demäkdür (DDT, 1869: 137).

bergäli (بیرکالی) – yana kāf kāf-e ’ajamîdur; «veräli» va «vermäk ičün» demäkdür (DDT, 1869: 137).

tegrä (تیکرا) – kāf-e ’ajamîdur; «dāira» va «aṭrāf» ma’nāsïnadur (DDT, 1869: 191).

özgä (اوزکا) – kāf kāf-e ’ajamîdur; «kendüyä» demäkdür (DDT, 1869: 105).

Чоғиштиринг, Мирзо Меҳдихоннинг «Санглоҳ» луғатида:

egä (ایکا) – befatḥe, kāf-e ’ajamî; bama’nī «mālek» va «ṣāḥib». – «фатҳа билан, ажамча kāf билан; «малик» ва «соҳиб» маъносида» (Sang, 172b: 3).

Бир сўзда иккита kāf келиб, бири [k], иккинчиси [g] деб ўқилиши ҳам мумкин ёки аксинча. Бундай ўринларда ҳар иккисига таъриф берилади. Масалан:

keŋäš (کینکاش) – kāf avval ’arabî va kāf sānî ’ajamîdur; «mašvarat» manāsïnadur (DDT, 1869: 361).

kölägä (کولاکا) – kāf avval ’arabî va kāf sānî ’ajamîdur; «köläga» demäkdür (DDT, 1869: 371). Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб. кўланка; мақолда шундай келган: Ўзи – хон, кўланкаси – майдон.

čüčürgänmäk (چوچورکانماک) – kāf-e avval ’ajamî va kāf-e sānî ’arabîdur (DDT, 1869: 248).

Шу ўринда яна бир далилга эътибор қилинг.

Кўк турк алифбосида [k] ва [g] учун айри-айри ҳарф ишлатилганлиги сабабли, қадимги туркий битиглар тилида beg, bitig, bilig сўзлари [g] билан талаффуз қилинганини билиш мумкин. Масалан, Тўнюқуқ битигида: beg – «бек», bilig – «билим»; Кул тигин битигида: bitig – «ёзув; китоб» ва б. (қаранг: Содиқов, 2018: 186–187).

Муҳими шундаки, кўк турк ёдгорликларидаги bitig сўзи «Абушқа»да жарангсиз [k], яъни «арабча kāf» билан (kāf-e ’arabîla) bitik деб ўқилиши таъкидланган. Мана ўша мисоли:

bitik (بیتیک) – kāf ’arabîla; «maktūb»a derlär (DDT, 1869: 125).

Қизиғи шундаки, Мирзо Меҳдихон ҳам бу сўзни [k] билан келтирган. Мана унинг ёзгани:

bitik (بتیک) – bekasre, tā va sukūn kāf; maktūb. – «kasra, tā ва sukūn билан; мактуб» (Sang, 221b: 6).

Ёки яна «Абушқа» луғатида:

bitiklik (بیتیک لیک) – kāflarï kāf ’arabîdur; «yazïlmïš» demäkdür (DDT, 1869: 126).

Ваҳоланки, луғатчи bilig сўзининг маъносини очиқлар экан, у жарангли [g], яъни «ажамча kāf» билан ўқилишини таъкидлаган. Мана ўша ёзгани:

bilig (بیلیک) – kāf kāf-e ’ajamîdur; «bilmäk» va «idrāk» ma’nāsïnadur-ki, «Sab’ai sayyāra»da ikinji ḥikāyatda Zayd δahhāb čāhïdan qačduγï maḥalda gelür, bayt:

Anča makr-u firīb va nav’ bilig,
Tišlätip laḥża laḥża šahqa ilig.

Va yana «Farhād-u Šīrīn» xātimasïnda šahzāda naṣihatïda gelür-ki, bayt:

Bilig šāh äyläsä hayvānnïŋ atïn
Ne taŋ-ki, kimsä tapsa šāh δātïn (DDT, 1869: 142).

Ёки beg сўзининг маъносини очиқлар экан, унинг ҳам [g] товуши, яъни «ажамча kāf» билан талаффуз қилинганини таъкидлайди:

beg (بیک) – kāf kāf-e ’ajamîdur; «beg» demäkdür, «mīr» ma’nāsïna (DDT, 1869: 140).

Ҳарқалай, Навоий асарлари тилида بتیک сўзи beg, bilig сингари жарангли [g] билан bitig деб айтилган. Луғатлардаги изоҳларга келсак, кейинги даврларда бу сўздаги kāf*нинг талаффузида жарангсизлашиш юз берган. «Абушқа» луғатининг тузувчиси ҳам, Мирзо Меҳдихон ҳам ана шу талаффузига таянган ҳолда уни bitik деб келтирганлар чоғи.

Луғат ўғузлар даврасида тузилган. Бу нарса классик сўзларнинг очиқламасидаги ўғузча луғат қатлами, сўзлар ва қўшимчаларнинг ёзилишида ҳам яққол кўзга ташланиб туради: köprü («кўприк»), ördäkiŋ dišisi («ўрдакнинг модаси»), ayaγa giyilän edük («оёққа кийиладиган этик»), yedinji («еттинчи»), qačduγï («қочгани») сингари.

Луғатда ўғузлар даврасида тузилганлигининг таъсири бор: унда ҳатто «чиғатой тили»даги, хусусан, Навоий асарларида ишлатилган айрим сўзлар ҳам ўғузчалаштириб юборилган.

Жумладан, луғатчи ögürmäk сўзини изоҳлар экан, ундаги kāf ҳарфларининг талаффузи ва сўз маъносига тўхталиб, шундай ёзади:

ögürmäk (اوکورماک) – kāf-e avval ’ajamî va kāf-e sānî ’arabîdur. «Muḥākamatu-l-luγatayn»da Navāyî ḥaḍratlarï bu luγatï šuyla taṣjīḥ etmišlär-ki, «yana biyik ün bilä-kim, e’tidālsïz āšub bilä yïγlaγaylar», anï «ökürmäk» derlär (DDT, 1869: 111).

Аслида луғатнинг бу сўз мақоласи ökürmäk (اوکورماک) – kāflar kāf-e ’arabîdur деб бошланганида тўғри бўларди. Сабаби, «Муҳокамату-л-луғатайн»даги اوکورماک сўзи жарангсиз [k], яъни «арабча kāf» билан айтилган. Чоғиштиринг, ҳозирги ўзбек тилида ҳам ўкирмак – «ўкириб йиғламоқ»дир; ögürmäk эса бошқа бир сўз.

Ёки яна бир мисол:

güjlük (کوجلوک) – kāf-e avval kāf-e ’ajamî va kāf-e sānî kāf-e ’arabîdur va jīm-e ’arabîla, «quvvatlu» ma’nāsïnadur (DDT, 1869: 363).

Аслида бу сўз мақола: küčlüg (کوجلوک) – kāf-e avval kāf-e ’arabî va kāf-e sānî kāf-e ’ajamîdur va jīm-e ’ajamîla, «quvvatlu» ma’nāsïnadur шаклида берилмаги керак эди. Чунки, «чиғатой тили»да کوجلوک сўзидаги биринчи kāf ҳарфи жарангсиз [k], иккинчи kāf эса жарангли[g]; jīm ҳарфи эса [j] эмас, балки [č] деб ўқилган; küčlüg – бу сифатдир.

Луғатчи бунинг сингари мисолларни Навоийнинг ўғузлар даврасида кўчирилган асаридан олган бўлиши ҳам мумкин; улардаги график ишоратларга таяниб, мисолларни ҳам ана шундай изоҳлаб кетган кўринади. Бундай деяётганимнинг сабаби, ўғуз котиблари «чиғатойча» матнларни кўчирганда улардаги айрим сўзларни ўғузчалаштириб юборган ўринлар ҳам бор. Масалан, оққўюнлилар тарафидан тузилган Навоий девонида ҳам шундай.

**jīm ҳарфининг ўқилиши.** Туркий матнларда jīm (ج) ҳарфининг вазифаси ҳам икки хил, у [j] ва [č] товушларини билдиради. Айрим ўринларда жарангсиз [č]ни фарқлаш учун čīm (چ) ҳарфидан ҳам фойдаланилган: tapuqčï (تاپوقچی) – «xidmatkār» ma’nāsïnadur (DDT, 1869: 160) сингари.

«Абушқа» муаллифи уларнинг иккаласини бир-биридан айириб кўрсатиш учун грамматик атамалардан фойдаланган: [j] учун jīm-e ’arabî («арабча jīm»), жарангсиз [č] учун эса jīm-e ajamî («ажамча jīm») атамасини ишлатади.

Масалан, ajïγ ва ajïq (اجیغ و اجیق) сўзини изоҳлар экан, ундаги jīm ҳарфининг талаффузига ва сўзнинг маъносига тўхталиб, «jīm-e ’arabî-la; «ajï» demäkdür, «talx» ma’nāsïna gelür» дея урғулайди (DDT, 1869: 10).

borčïn (بورچین) – jīm-e ’ajamî ilä; «ördäkiŋ dišisi»nä derlär (DDT, 1869: 151).

Ёки яна:

ajun (اجون) – jīm-e ’arabîla; «dunyā» ma’nāsïnadur (DDT, 1869: 6).

Чоғиштиринг, Мирзо Маҳдихоннинг «Санглоҳ»ида:

čerik (چیریک) – bā čīm-e ’ajamî va kasra va sukūn kāf. – «ажамча čīm ва kasra ва sukūnли kāf» (Sang.291b.8).

čerikči (چیریکچی) – bā čīm-e ’ajamî sānî; «laškar bāšad». – «иккинчиси ажамча čīm; лашкарбоши» (Sang, 291b: 9).

Энди «Абушқа»да берилган қуйидаги сўзга эътибор қилинг:

bozjïn (بوزجین) – jīm-e ’arabîla; «qarača āhunïŋ dišisi»nä derlär-ki, Navāyî «Muḥākamatu-l-luγatayn»da bu luγatï šuyla taṣḥīḥ edürlär-ki: «türk kiyikniŋ erkägin «hūna» va tišisin «bozjïn» derlär» (DDT, 1869: 151).

Қизиғи шундаки, «Муҳокамату-л-луғатайн»нинг турли қўлёзмаларида бу ўринда икки хил сўз: qïlčaqčï ёки bozjïn келади. Масалан: Va awda ’umda-ki, kiyikdür. Türk anïŋ erkägin – hūna va tišisin qïlčaqčï der (МЛ, 2017: 38).

«Муҳокамату-л-луғатайн»нинг туркча илмий нашрида таянч нусхадаги матнга кўра qïlčaqčï деб берилган (ML, 1996: 176); бу – тўғри. Бироқ матн бошқа нусхалар билан қиёсланганда, у ерда (F25,B8 да) borčïn эканлиги таъкидланган (ML, 1996: 195). Аслида бу сўзни borčïn деб эмас, «Абушқа» луғатидаги изоҳларга таяниб, za ва «арабча jīm» (jīm-e ’arabî) билан bozjïn ўқилгани маъқул (қаранг: DDT, 1869: 151). Чунки, borčïn ўқилса, «ўрдакнинг модаси» (ördäkiŋ dišisi) бўлиб қолади (қаранг: МЛ, 2017: 38: türk ördäkniŋ erkägin sona va tišisin borčïn der). Кийикка нисбатан тўғриси – bozjïn дир, у «кийикнинг эркаги»дир. Илмий тадқиқотларда ҳам бу сўзларнинг фарқига борилмаётир (қаранг: Турсунов, 2021: 13).

Мирзо Меҳдихон ҳам жарангсиз [č] ни «ажамча jīm» (jīm-e ’ajamî), жарангли [j] ни эса «арабча jīm» (jīm-e ’arabî) атаган.

«Санглоҳ»да изоҳланувича, «вақт, замон» англамидаги čaγ (چاغ) сўзи «ажамча jīm билан» (jīm-e ’ajamî) айтилган (Sang, 277b).

ačmaq (آچماق) сўзи «ажамча jīm билан» (bā jīm-e ’ajamî) айтилган (Sang, 85b).

Ёки: «ичимлик; шароб» англамидаги čaγïr (چاغیر) сўзи «ажамча jīm ва касрали γayn ва сукунли rā билан» (bā jīm-e ’ajamî va kasra-e γayn va sukūn-e rāy-e) ўқилади (Sang, 277b).

Шунингдек, бир сўзда kāf, jīm ҳарфлари аралаш ишлатилуви мумкин. Бундай ўринларда ҳам ҳар бири алоҳида изоҳланади.

Масалан, kečti (کیچتی) сўзининг изоҳида kāf ва jīm ҳарфларининг талаффузига тўхталиб, «kāf kāf-e ’arabîdur va jīm jīm-e ajamîdur; «gečdi» demäkdür» дея таъкидлайди луғатчи (DDT, 1869: 356).

«Бадоеу-л-луғат»нинг тузувчиси Толе Ҳиравий ҳам jīm ҳарфининг вазифасини икки хил атаган: jīm-e ‘arabî – «арабча jīm», бу [j] дир; лекин иккинчисини аввалги луғатдан фарқли ўлароқ, jīm-e fārsî – «форсча jīm» дейди, бу [č] дир. Мисолларга эътибор қилинг:

aj~ač (آج) – bajīm-e ‘arabî «gorosna» va bajīm-e fārsî bama’nî «kešvar»ist – арабча jīm билан – «оч»; форсча jīm билан «нуқсонлар» маъносидадир (BL, 7b: 10).

Сўзнинг «оч» маъносига қуйидаги байт мисол қилиб келтирилган:

Qoy-ki, ul yüz xānïqa naẕẕāra äyläy toγγuča

Kim, közüm bolmïš bu qaḥaṭčïn ayyāmïda ač (BL.7b,11–12).

ajïγ (آجیغ) – baalif-e mamdūda va jīm-e ‘arabî; talx. – чўзиқ alif ва арабча jīm билан; «аччиқ» (BL.8a,1–2).

Бу сўзга қуйидаги байт мисол қилиб келтирилган:

Etmä rām na’lïqa qïlγay-men čüčük jānïm fidā,

Ey Navāyî, aŋa der-sen-ki, kelmägäy nāgāh ajïγ (BL, 8a: 4–5).

Яна:

ačun (آچون) – baalif-e mamdūda va jīm-e fārsî; jihānrā nāmand. – чўзиқ alif ва форсча jīm билан; «жаҳон»ни атайдилар (BL, 10a:11–12).

Луғатчи бу сўз Лутфий шеърларида келганини таъкидлайди. Бунга Навоийдан мисол берилган эмас, чунки Навоийда ačun сўзи учрамайди, ўрнида jihān сўзи ишлатилган.

**bā ҳарфининг ўқилиши.** Туркий матнларда bā ҳарфининг фонетик вазифаси ҳам икки хил: у [b] ва [p] товушларини англатган. Айрим ўринлардагина, [p] ни фарқлаш учун bāнинг остига уч нуқта қўйиб кетилган. Бу нарса «Абушқа»да ҳам бор: унда кўп ўринда پ дан фойдаланилган: tapmaq (تاپماق) – «bulmaq» demäkdür (DDT, 1869: 161) сингари.

Шунга қарамай, луғатчилар [b] ва [p]лар учун махсус атамалардан ҳам фойдаланган: жарангли [b] учун bā-ye ’arabî («арабча bā»), жарангсиз [p] учун эса bā-ye ’ajamî («ажамча bā») атамасини қўллайди. Масалан, «Абушқа»да: köprük (کوپروک) – kāflar kāf-e ’arabîdur va bā-ye ’ajamîla; «köprü»yä derlär (DDT, 1869: 362).

Ёки «Санглох»да изоҳланувича, «қария» англамидаги araγ (آپاغ) ва apaq (آپاق) сўзлари «ажамча pā билан» (bā pāy-e ’ajamî) айтилган (Sang, 82b).

**Сўзларнинг фонетик вариантлари.** Луғатларда икки хил фонетик вариантда ишлатиладиган сўзлар ҳам келтирилган. Бундан Навоий асарларида айрим сўзлар икки хил шаклда ишлатилавергани англашилади.

Турли фонетик вариантда ишлатиладиган сўзлар кўпинча бир сўз шаклида келтирилади; масалан, сўзнинг qāf билан туговчи шакли берилиб, кетидан γayn ҳарфи ҳам улаб қўйилади:

Масалан, «Абушқа» луғатида:

uluγ va uluq (اولوغ و اولوق) – «ulu va bozurg» ma’nāsïnadur (DDT, 1869: 116).

otluq va otluγ (اوتلوق و اوتلوغ) – «ātašīn» demäkdür (DDT, 1869: 91).

baγlïγ va baγlïq (باغلیغ و باغلیق) – «baγlu va baγčalu» demäkdür va bir daxï «bandla baγlu» demäkdür (DDT, 1869: 130).

bitküči va bitiküči (بیتکوچی و بیتیکوچی) – kāflar kāf-e ’arabîdur; «yazïjï» ma’nāsïnadur (DDT, 1869: 135).

tamuγ va tamuq (تاموغ و تاموق) – «ṭamu» demäkdür, «jahannam» manāsïna (DDT, 1869: 185).

Мирзо Меҳдихон луғатида:

atamaq / atamaγ (اتاماق غ) – «атамоқ» (Sang, 83b);

atalmaq / atalmaγ (تالماق غ) – «аталмоқ» (Sang, 83b) сингари.

Луғатда икки хил вариантда ишлатиладиган сўзларнинг иккала шакли ҳам келтирилган. Жумладан, туркий тилда «чалғучи, созанда»ни čalïčï (چالیچی) ёки čalγučï (چالغوچی) аталган (Sang, 280b).

Турли фонетик вариантларга эга сўзларнинг айримлари кўпмаънолидир; луғатчи уларнинг ҳар иккисини келтиради. Масалан: ayaγ va ayaq (اياغ و اياق) – «qadaḥ» va «pāy» ma’nāsïndadur (DDT, 1869: 29).

Эски ўзбек тилида «қадаҳ; пиёла» маъносидаги ayaq сўзидан «соқий» сўзи ҳам ясалган. «Абушқа»да бу сўз ҳам бор: ayaqčï (اياقچى) – «sāqî» ma'nāsïnadur (DDT, 1869: 39).

Луғатларда синоним қўшимчалар билан ясалган сўзлар ҳам берилган. Масалан, «Абушқа» луғатида köklä- сўзининг таърифида ўқиймиз:

köklä- (كوكلا) – kāflar kāf-e 'arabîdur, «amr edüp sāz čal-» ma'nāsïnadur-ki, «Maḥzan» Mīr Ḥaydarda maqāla-i avvalda gelür-ki, bayt:

Türk surūdïnï tüzük birlä tüz,

Yaxšï ayalγu bilä köklä qobuz.

Va yana «Ğarāyibu-ṣ-ṣiγar»da gelür-ki, bayt:

Dedim tarāna-e jān yaxšï muṭribā sen xūd,

Firāq sāzï tüzüp öltürür kökin čaldïŋ.

Kök öldürmäk vaznïnda va āhaŋïda čaldük demäkdür (DDT, 1869: 369).

Ёки шу маънодаги бошқа бир сўз:

köktä- (كوكته) – bu daxï «amr edüp (sāz) čal-» demäkdür-ki, «Ğarāyibu-ṣ-ṣiγar»da gelür (DDT, 1869: 369).

**Луғат ва грамматик асарларда туркий сўз ўзакларининг йўғон-ингичкалиги ҳақидаги қарашлар.** Ўтмишдаги тилшунослар ўз асарларида туркий тилда мавжуд бўлган уйғун тартиб-қоидаларга катта эътибор қаратганлар. Жумладан, Мирзо Меҳдихон ўзининг «Мабониу-л-луғат» асарида туркий тилдаги товушлар уйғунлиги ҳодисасини ниҳоятда тўғри баҳолаган эди. Чунончи, у туркий феъл шакллари тўғрисида билим бера туриб, шундай ёзади: Феъл шакллари ишлатилишига кўра икки турдан иборат: γayn, qāfли шакллар ва kāfли шакллар. Бу ҳар икки тур грамматик қоида ва ихтиёрийлик юзасидан бўлмай, эшитилиш ва эътибор юзасидандир. Фароғий ўз асарида qāf ва kāfнинг ишлатилиши ихтиёрий деб ёзган. Толе Ҳиравий ҳам alγučï маъносини тушунтирганда, ихтиёрий равишда ҳозирги замон сифатдошига γayn ёки kāf орттирилади, деб ёзади: qïlγučï, bilgüči каби. Лекин ҳар иккисининг сўзи ҳақиқатдан холи ҳамда нуқсон ва камчиликка эга. Чунки qïl- сўзи буйруқ феъли бўлиб, қаттиқ [яъни йўғон дейилмоқчи – Қ.С.] ўзаклидир ва шунинг учун унинг барча феъл шакллари qāf ёки γayn билан ясалади: qïlmaq, qïlγay, qïlγučï каби ва ҳоказо. Bil- юмшоқ [яъни ингичка дейилмоқчи – Қ.С.] ўзакли бўлиб, унинг феъл шакллари [k] ёки [g] билан келади: bilmäk, bilgäy, bilgüči каби ва ҳоказо (МБЛ, 2008: 11–12).

Ёки олим бошқа бир ерда ана шу ҳодиса билан боғлиқ муҳим бир қоидани келтиради. У ёзади: Билки, масдарларнинг қаттиқ ва юмшоқ ўзакли бўлиши ва масдар исмлари самоийдир, аммо уларнинг феъл шаклларининг ясалиши қиёсийдир, яъни масдарлар қаттиқ ўзакли бўлса, албатта, унинг (ясама) феъл шакллари qāf ва γayn, юмшоқ ўзакли бўлса, kāf билан ясалади (МБЛ, 2008: 20).

Шу ўринда ўқувчида савол туғдирадиган масала бўйича ҳам жавоб беради:

Савол: Нима учун ilmäk, яъни «банд, дом» юмшоқ ўзакли-ку, ïlmaq, яъни «ушламоқ, тутмоқ, олмоқ»; ïlïnmaq, яъни «гирифтор бўлмоқ» каби ясама феъл шакллари эса қаттиқ ўзаклидир?

Жавоб: ilišmäk, яъни «банд бўлмоқ» ilmäkнинг масдари бўлиб, юмшоқ ўзаклидир. Ïlmaq ва ïlïnmaq эса қаттиқ ўзакли бўлиб, бошқа масдарлардир, лекин маънолари бир-бирига яқиндир (МБЛ, 2008: 20).

Қизиғи шундаки, Толе Имоний «Бадоеу-л-луғат»да «ихтиёрий равишда ҳозирги замон сифатдошига [γ] ёки [g] орттирилади» деб ёзгани билан, ўз луғатида туркий сўзларнинг ўқилишини ва ёзилишини тўғри берган.

**Туганчи.** Эски луғатлар «чиғатой тили» матнларида ишлатилган сўзларнинг маъноларини очиқлашга бағишланган бўлиб, мисоллар Мавлоно Лутфий, Мир Ҳайдар, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ адибларнинг асарларидан сайлаб олинган. Булар маъноси ҳар кимсага, айниқса, бошқа тил эгалари, туркийнинг бошқа лаҳжаларида сўзловчи кишиларига, хусусан, ўғузларга тушунарли бўлавермаган, ўзига хос маъноли ёки «чиғатой тили»да муайян англамда ишлатилиб, кейинчалик унутилган сўзлардир.

Яна бир қирраси, классик ўзбек тили, хусусан, Навоий асарлари учун тузилган ўтмишдаги луғатларнинг айтарли бари арабча ё форсчадан ўзлашган сўзлар асосида эмас, балки соф туркий сўзлар бўйича тузилган бўлиб, уларда маъносини англаб олиш қийин сўзлар, уларнинг ўқилиши, маънолари яхши очиб берилган. Шу тариқа классик асарларнинг луғат таркиби ўта бой, бадиий мазмунга эга эканлиги, семантик имкониятларининг кенглиги кўрсатиб берилган. Классик асарлар бўйича луғат тузишни ўшалардан ўрганмак керак.

Эски луғатлар илмий асарлар сифатида ўз даври тилшунослигининг билим даражаси ва мавқеини белгилаб турган. Луғатларда сўзнинг маъноси, шакли ва унинг талаффузи, ҳарфларнинг вазифалари билан боғлиқ тилшуносликка тегишли бутун бошли атамалар тизими ишлаб чиқилган эди.

Араб ёзувли туркий матнларда [k]–[g], [č]–[j], [b]–[p] товушлари ёзувда бир хил ҳарфлар билан ифодаланган. Лекин матнда буларни фарқлашга эҳтиёж бўлган. Котиблар, луғат тузувчилар доимо бунинг ечимини излашга уринган; улар ўз луғатларида бу товушларни фарқлашда турли грамматик атамалардан фойдаланганлар. Классик асарлар бўйича тузилган луғатларда жарангсиз [k] учун «арабча kāf» (kāf-e ’arabî), жарангли [g] учун эса «ажамча kāf» (kāf-e ’ajamî); [j] учун «арабча jīm» (jīm-e ’arabî), жарангсиз [č] учун эса «ажамча jīm» (jīm-e ajamî) ёки «форсча jīm» (jīm-e fārsî); жарангли [b] учун «арабча bā» (bā-ye ’arabî), жарангсиз [p] учун эса «ажамча bā» (bā-ye ’ajamî) атамалари ишлатилган ва б.

«Чиғатой тили» бўйича тузилган луғатлар темурийлар даври ёзма адабий тилида, хусусан, Алишер Навоий асарлари тилида қўлланган сўзларнинг маъносини аниқлашда, классик матнларни тушуниш ва уларни талқин қилиш, шулар билан бир қаторда, уларни тўғри талаффуз қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

## Iqtiboslar/Сноски/References

BL – Толе Ҳиравий. Бадоеъу-л-луғат. Венгрия Фанлар академияси кутубхонасида сақланаётган Ms. Perzsa Qu 4 кўрсаткичли қўлёзма.

DDT – Dictionnnaire Djaghatai-turc. V. de Viliaminof-Zernof. – SPb., 1869.

LN – «Луғат-и Навоий»нинг Эронда сақланаётган нусхаси: Kitābxānā-i majlis-i shā’rā-yi ’ilmî; 7981- кўрсаткичли қўлёзма.

MK – Kaşgarlı Mahmud. Dīvānü Lūgati’t-Türk. Tıpkıbasım / Facsimile. – Ankara, 1990.

ML – ‘Ali Şir Nevayi. Muhakemetü’l-luğateyn (İki Dilin Muhakemesi). Hazırlayan F. Sema Barutçu Özönder. – Ankara, 1996.

Sang. – Мирзо Меҳдихоннинг «Санглоҳ» асари қўлёзмаси: Франция Миллий кутубхонаси: Suppl.Turc.1000.

МБЛ – Мирзо Меҳдихон. Мабони ул-луғат. Форсийдан З. Умаров таржимаси. Нашрга тайёловчи Х. Алимова. – Тошкент, 2008.

МЛ – Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Қосимжон Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида. – Тошкент, 2017.

ҚБС – «Қутадғу билиг» сўзлиги. Тузувчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2020.

Содиқов Қ. Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент, 2020.

Турсунов Ю. Муҳокамату-л-луғатайн. Илмий-танқидий матн. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Ю. Турсунов. – Тошкент, 2021.

# YUBILYARLARIMIZ

## SO‘Z DURLARIN TERMOQDIR ISHI…



***Taniqli o‘zbek leksikolog va dialektolog olimi filologiya fanlari doktori, Davlat tilida ish yuritish va malaka oshirish markazining Samarqand bo‘lim rahbari hamda Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti o‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi professori Murodqosim Bolbekovich ABDIYEV shu yil 5-sentabrda 60 yoshga to‘ladi.***

Murodqosim Bolbekovich Abdiyev 1963-yil 5-sentabrda Jizzax viloyati G‘allaorol tumanida tug‘ilgan. 1985-yilda Alisher Navoiy nomidagi Samarqand davlat universiteti tamomlab, bir muddat Samarqand pedagogika bilim yurtida ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi bo‘lib ishladi. Uning 1987-yildan to shu kungaca bo‘lgan faoliyati Alisher Navoiy (hozirda Sharof Rashidov) nomidagi Samarqand davlat universiteti bilan bog‘liq. U universitetdagi ish faoliyatni taniqli tilshunos, ustozi professor Xudoyberdi Doniyorovning taklifi bilan u kishi tomonidan SamDUda tashkil etilgan “O‘zbek shevalari va folklorini tadqiq etish” laboratoriyasida laborantlikdan boshlab, o‘qituvchi, katta o‘qituvchi, dotsent, professor, fakultet dekani singari lavozimlarda ishladi.

1999-2002-yillarda esa O‘zRFA Samarqand bo‘limida doktoranturani ham o‘tadi. 2019-yilda Turkiyaning Firat universiteti qardosh turkiy lahjalari va adabiyotlari kafedrasida malaka oshirgan. 2020-yildan hozirga qadar Davlat tilida ish yuritish va malaka oshirish markazining Samarqand bo‘limi rahbari hamda SamDU o‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi professori lavozimlarida faoliyat yuritib kelmoqda.

Ustoz 1991-yilda “O‘zbek tilida shaxs nomlarining affiksal usul bilan yasalishi” mavzusida nomzodlik, 2005- yilda “Sohaviy leksikaning sistem tahlili (Samarqand viloyati kasb-hunarlari materiallari asosida) mavzusida doktorlik dissertatsiyalarini muvaffaqiyatli himoya qilgan.

Domla tilshunoslikning so‘z yasalishi, terminologiya, dialektologiya, etnografiya, nutq madaniyati singari sohalarida barakali tadqiqotlar yaratganligini alohida qayd etish lozim. Uning “Sohaviy leksikaning sistem tahlili muammolari” (Toshkent, 2004); “Kasb-korni ifodalovchi shaxs nomlarining yasalish asoslari” (Toshkent, 2015); “Kasb-hunar leksemalarining yasalish masalalari” (Turkiya, 2019) singari monografiyalari va ko‘plab ilmiy maqolalari bunga yaqqol dalil bo‘la oladi.

Ustoz tilshunoslikning muhim tarmoqlaridan biri bo‘lgan nutq madaniyati masalalari bilan ham jiddiy shug‘ulanib keladi. Talabalar nutqi nutq odobi, adabiy til me’yorlari singari masalarga bag‘ishlangan bir qator turkum aqolalari bilan bir qatorda, “O‘qituvchining nutq madaniyati” (Samarqand, 2012), “Nutq madaniyati” (Toshkent, 2014, hamkorlikda) singari o‘quv qo‘llanmalari muallifi ham hisoblanadi.

Dialektologiya va turkiy tillarni o‘rganish va ularni asrash singari masalalar domlaning doimiy diqqat markazida bo‘lib kelmoqda. Uning o‘zbek shevalariga bag‘ishlangan bir qator monografik xarakterdagi maqolalari hamda “Turkiy tilli xalqlar lingvogeografiyasi” (Toshkent, 2023) risolasi mavjud. Domla jamoatchilik asosida vazirlik huzurida tashkil etilgan “O‘zbek shevashunosligi” markazi raisi o‘rinbosari va muvofiqlashtirish kengash a’zosi sifatida ham faoliyat olib bormoqda.

Domlaning lug‘atshunoslikka doir “Atamalar lug‘ati” (Samarqand, 1992), “Ruscha–o‘zbekcha lingvistik terminlarning qisqacha lug‘ati” (Samarqand, 2010), “Novvoylik terminlarining izohli lug‘ati” (Toshkent, 2023), “Kulolchilik terminlari izohli lug‘ati” (Toshkent, 2023) singari kitoblari terminologiyamiz taraqqiyotiga munosib hissa bo‘lib qo‘shildi.

Shuningdek, domla ayni paytda l-442105872 raqamli “Kimyo atamalari izohli lug‘atini yaratish” nomli davlat granti loyihasi ijrochisi sifatida ham ham faol ishtirok etmoqda.

Prof. M.Abdiyevning shu paytgacha 300 ga yaqin ilmiy va ilmiy-uslubiy maqolalari nashr etilgan bolib, ular respublikamiz bilan bir qatorda, Rossiya, Ukraina, Avstriya,Turkiya, Hindiston, Qozog‘iston, Qirg‘iziston, Tojikiston singari davlatlarning ilmiy jurnallari hamda ularda o‘tkazilgan xalqaro ilmiy konferensiya materiallarida chop etilgan.

Prof. M.Abdiyev yosh, iqtidorli tadqiqotchilarga ustozlik qilib, hozirgacha uning rahbarligida o‘nga yaqin tadqiqotchi falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasini yoqlagan. U SamDU, QarDU, JizDPU huzuridagi filologiya fanlari bo‘yicha ilmiy daraja beruvchi Ilmiy kengashlar a’zosidir.

U 2020- yilda “Ma’naviyat fidoyisi” ko‘krak nishonini, 2022-yilda Davlat tilini oq‘itishda samaradorlikka erishganligi uchun Vazirlar Mahkamasi Faxriy yorlig‘ini olishga sazovor bo‘lgan.

“Turkologik tadqiqotlar” jurnali jamoasi 40 yildir so‘z durlarini terishni o‘ziga kasb qilib olgan muhtaram turkolog va leksikolog olimimizni tavalludining 60 yilligi bilan qizg‘in qutlab, unga uzoq umr va yangi ilmiy-ijodiy muvaffaqiyatlar tilab qoladi.

# BIZNING NASHRLARIMIZ

## TEMURIYLAR SIVILIZATSIYASIGA DOIR IZLANISHLAR

*Tombuloğlu, Tuba. Temuriylar sivilizatsiyasiga doir izlanishlar. – Samarqand: SamDU nashri, 2023. – 232 bet.*
*ISBN: 978-9943-9250-0-7.*




Amir Temur va temuriylar tamadduni, nafaqat, turkiy xalqlar va Islom dunyosida, balki dunyo xalqlari tarixi va madaniyatida muhim o‘rin tutadi. Shu bois asrlar mobaynida dunyo olimlari temuriylar davrining barcha jihatlarini juda katta qiziqish bilan ilmiy tadqiq qilib kelmoqda. Bu borada Yevropa, Osiyo va Amerika qit’asi olimlari bilan bir qatorda, Turkiya ilmiy muassassalar va olimlarnining olib borayotgan ilmiy ishlari diqqatga savovordir. Jumladan, eng nufusli universitetlardan biri bo‘lmish Anqara Yildirim Boyazid universiteti professori, tarix fanlari doktori Tuba Tombulog‘li tomonidan yillar davomida Amir Temur va temuriylar davri madaniyati, san’ati, kitobat va kutubxonalari, saltanatda shaxshoda va malikalari o‘rni, bu davrda ayollarning roli va ular tomonidan amalga oshirilgan ishlar haqida ko‘plab maqolalar e’lon qilib kelinmoqda. Bu tamaddun haqidagi har qanday mujda o‘zbek olimlari va kitobxoniga zarur bo‘lganligi uchun Turkologiya ilmiy tadqiqot instituti xodimlari tomonidan olimaning 10ta maqolasi o‘zbek tiliga tarjima qilinib, “Temuriylar sivilizatsiyasiga doir izlanishlar” alohida kitob holida nashr qilindi. Kitobda “Boysung‘ur kutubxonasi”, “Temuriylar davlatida ta’lim”, “Sulton Shohruh davrida Hirot iqtisodiyoti”, “Temuriylar davlatida ayol va uning o‘rni” kabi maqolalar o‘rin olgan. Maskur nashr Amir Temur va temuriylar davri ijtimoiy-madaniy hayoti, kitob, kutubxona va ta’lim, iqtisodiy holati va diplomatiyasi oid izlanishlar olib borayotgan tadqiqotchilarga, shuningdek, bu davr tamadduni tarixiga qiziquvchi keng kitobxon ommasiga mo‘ljallangan. Ushbu kitob filologiya fanlari doktori, professor Jo‘liboy Eltazarov mas’ul muharrirligida SamDU tahririy-nashriyot bo‘limi tomonidan 2023-yil chop etildi.

**MAHMUD KOSHG‘ARIYNING “DEVONU LUG‘ATI-T-TURK” ASARIDAGI OLAMNING LISONIY MANZARASI**

***Boynazarov Zokir. Mahmud Koshg‘ariyning “Devonu lug‘ati-t-turk” asaridagi olamning lisoniy manzarasi. – Samarqand: SamDU nashri, 2023. – 152 bet. ISBN: 978-9943-9808-0-8.***




IX-XI asrlarda kechgan Birinchi Renessans davrida turkiy xalqlarning taraqqiy etgan ilmu fani va yuksak madaniyati dunyo sivilizatsiyasida o‘ziga xos o‘rin egallaydi. Jumladan, o‘sha davrda ijod qilgan buyuk mutafakkir olim Mahmud Koshg‘ariy shaxsi va uning bizgacha yetib kelgan “Devonu lug‘ati-t-turk” asari muhim o‘rin tutadi. Ushbu noyob lingvomadniy obidani zamonaviy tahlil metodlar asosida tadqiq qilish bugungi kun uchun dolzarb ahamiyat kasb etadi. Bu borada Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti Turkologiya ilmiy tadqiqot instituti olib borilayotgan ilmiy ishlarning samarasi sifarida filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori Zokir Boynazarov tomonidan “Mahmud Koshg‘ariyning “Devonu lug‘ati-t-turk” asaridagi olamning lisoniy manzarasi” nomli monografiyasi nashr qilindi.

Mazkur monografiya antroposentrik paradigma tamoyillariga tayanib to‘ng‘ich turkologimiz Mahmud Koshg‘ariyning “Devonu lug‘ati-t-turk” asarida ifodalangan “inson”, “go‘zallik”, “sog‘lik”, “turarjoy” hamda bolalar dunyosining lisoniy manzarasiga oid konseptlarni lingvomadaniy va lingvokognitiv metodlar asosida tadqiq qilishga bag‘ishlangan. Monografiya til materialini zamonaviy tilshunoslikning lingvomadaniy va lingvokognitiv aspektlari tadqiqiga hamda millat va til tarixi, xususan, Mahmud Koshg‘ariyning “Devonu lug‘ati-t-turk” asariga qiziquvchi ilmiy izlanuvchilar, magistr va doktoranrlarga mo‘ljallangan. Monografiya filologiya fanlari doktori, professor Jo‘liboy Eltazarov mas’ul muharrirligida SamDU tahririy-nashriyot bo‘limi tomonidan 2023-yil chop etildi.

## O‘RXUN-YENISEY OBIDALARI MATNLARINI O‘QISH VA TRANSKRIPSIYA QILISH MUAMMOLARI

***Bilir Bayram. O‘rxun-yenisey obidalari matnlarini o‘qish va transkripsiya qilish muammolari. – Samarqand: SamDU nashri, 2023. – 178 bet. ISBN: 978-9943-9808-2-2.***




O‘zbek tilshunosligida transkripsiya masalasi tadqiq qilish doimo dolzarb ahamiyat kasb etib kelgan. O‘tgan asrning 90-yillariga qadar olib borilgan tadqiqotlarda, qadimiy manbalarni o‘qib-o‘rganish va xorijiy til ta’limida kirill yozuviga asoslangan transkripsiyadan foydalanilgan. Bugungi kunda xalqaro talablar me’yorida, XFA asosida yaratilgan, o‘zbek tili tabiatiga mos transkripsiya ega bo‘lish zaruriyati mavjud. Turkologiya ilmiy tadqiqot ingtituti o‘qituvchisi, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori Bayram Bilirning “O‘rxun-Yenisey obidalari matnlarini o‘qish va transkripsiya qilish muammolari” nomli monografiyasi ana shu zaruriyat talabi asosida yozilgan. O‘zbek va jahon tilshunosligida barcha turkiy til va lahjalar uchun bobo til ekanligi e’tirof etilgan O‘rxun-Yenisey yozuvlari va uning matnlarini ilmiy o‘rganishga bag‘ishlangan ushbu monografiyada, bitigtosh matnlarini o‘qish va yozish uchun zarur bo‘lgan transkripsiya masalasi tadqiq qilingan. Jahonning yigirma uchdan ziyod tilshunos olimlarining O‘rxun yozuvini talqin qilgan transkripsiyalari o‘zaro qiyosan o‘rganilgan, o‘xshash va farqliliklari aniqlangan hamda XFA (IPA) asosida muqobil transkripsiya yaratish lozimligi tahlil qilingan. Tadqiqotdan “Tilshunoslik nazariyasi”, “Qadimgi turkiy til”, “O‘zbek tili tarixi”, “O‘zbek tilshunosligi tarixi”, “Dialektologiya” kabi fanlardan qo‘shimcha o‘quv va ilmiy adabiyot sifatida foydalanish mumkin. Til tarixi, qadimgi yozma obidalar, sheva va lahjalar bilan qiziquvchi tadqiqotchilarga, oliy o‘quv yurtlari magistr, doktoront, tilshunos-o‘qituvchilarga mo‘ljallangan monografiya filologiya fanlari doktori, professor Eltazarov Jo‘liboy Danaboyevich mas’ul muharrirligida SamDU tahririy-nashriyot bo‘limi tomonidan 2023-yil chop etildi.

## BULLETIN OF THE INTERNATIONAL JOURNAL "TURKOLOGICAL RESEARCH"

In order to implement programs and projects developed to accelerate the relationship envisaged at the summit of the Organization of Turkic States held in Samarkand, as well as to coordinate and highlight the research work carried out in the field of Turkic studies, the International Journal "Turkological Research" at Samarkand State University named after Sharof Rashidov passed the state registration. The journal is intended to publish the results of scientific research in the field of Turkic languages and dialects, the history of linguistic and literary relations of the Turkic peoples of Central Asia, the socio-cultural field. There are such headings as a young researcher, memory and our anniversaries. Articles written in Uzbek, Turkish, Russian, English and all Turkic languages are accepted.

## THE JOURNAL PUBLISHES ARTICLES IN THE FOLLOWING AREAS:

- ✓History of socio-cultural relations of the Turkic peoples;
- ✓Research of the Turkic World;
- ✓Dialectology of Turkic languages;
- ✓Geopolitics of the Turkic World;
- ✓Folklore Studies;
- ✓Comparative Linguistics and Literary Studies;
- ✓Literary Relations and Translation Studies.

## CONTACT ADDRESS:


**Mailing Address:**

140104, University boulevard, 15, Samarkand, Uzbekistan,

Research Institute of Turkology under Samarkand State University named after Sharof Rashidov

**Phone:**

+998 99 582 93 81

+998 97 911 93 81

**Telegram ID:** @turkologiya1

**Email:**

turkologiya.samdu@gmail.com

**Website:** https://samdu.uz/en/pages/Turkology


## REQUIREMENTS FOR ARTICLES:

1. The article is presented on 8-10 pages;
2. Article structure:
1. The text of the article should be prepared in Times News Roman font, size 14, left: 3 cm, right: 1.5 cm, top and bottom: 2 cm; in A4 format in 1.15 intervals.
2. The title of the article, surname, name and patronymic of the author (authors) are indicated in full and written in capital letters.
3. Position, academic title, place of work (study), region, republic, telephone and e-mail address of the author (authors) are indicated in full.
4. The abstract should consist of a brief content and importance of the article, results.
5. At the beginning of each article, there should be an annotation in Uzbek, Russian and English.
6. The abstract should be no more than 120-150 words.
7. At the bottom of the abstract, 7-10 key words should be given that illuminate the content of the article.
8. The article should be prepared in the following form:

a) Introduction;
b) Main part;
c) Results and Discussions;
d) Conclusions;
e) List of literature (References) – in alphabetical order;
f) Citations are given in brackets in the form of the author's surname - date of publication - page (Muminov, 2020: 25);
g) Figures, drawings, tables, diagrams are designated in Arabic numerals as "Figure". Signs or pointers are placed under the figure, in the next line, in the middle and highlighted in bold.

3. The author(s) are responsible for the scientific validity, reliability and plagiarism of the information and evidence presented in the article;
4. Articles will be considered. The journal publishes only articles recommended by experts;
5. Articles not requested will not be published and will not be returned to the authors;
6. Only 1 article of the author is published in 1 issue of the journal.

## “TURKOLOGIK TADQIQOTLAR” XALQARO JURNALINING AXBOROT XATI

Davlatimiz tomonidan olib borilayotgan ijtimoiy-ma’rifiy, ilm- fanni rivojlantirishga qaratilgan siyosat, Turkiy Davlatlar Tashkilotining Samarqandda o‘tkazilgan sammitida ko‘zda tutilgan o‘zaro aloqalarni jadallashtirish bo‘yicha ishlab chiqilgan dastur va loyihalarni amalga oshirish hamda turkologiya sohasida olib borilayotgan ilmiy-tadqiqot ishlarini muvofiqlashtirish va yoritish maqsadida Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universitetida “**Turkologik tadqiqotlar”** xalqaro jurnali ta’sis etildi. Jurnal turkiy til va shevalar, Markaziy Osiyo turkiy xalqlari lisoniy va adabiy aloqalari tarixi, ijtimoiy-madaniy sohalarda amalga oshirilayotgan ilmiy-tadqiqot ishlarining natijalarini e’lon qilishga mo‘ljallangan. Jurnalda *muharrir minbari, tadqiqotlar, ilmıy axborot, taqriz va e’tirof, ilmiy anjuman, yosh tadqiqotchi, xotira, yubilyarlarimiz* kabi ruknlar mavjud. O‘zbek, turk, rus, ingliz va barcha turkiy tillarda yozilgan maqolalar qabul qilinadi.

### JURNAL QUYIDAGI YO‘NALISHLARDAGI MAQOLALARNI NASHR QILADI:

- ✓ Turkiy xalqlarning ijtimoiy-madaniy aloqalari tarixi;
- ✓ Turk dunyosi tadqiqotlari;
- ✓ Turkiy tillar dialektologiyasi;
- ✓ Turk dunyosi geopolitikasi;
- ✓ Folklorshunoslik;
- ✓ Qiyosiy tilshunoslik va adabiyotshunoshlik;
- ✓ Adabiy aloqalar va tarjimashunoslik.

## MUROJAAT UCHUN MANZIL:

**Pochta manzili:**

140104, Universitet xiyoboni, 15-uy, Samarqand, O‘zbekiston,

Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti huzuridagi Turkologiya ilmiy-tadqiqot instituti

**Telefon:**

+998 99 582 93 81

+998 97 911 93 81

**Telegram ID:**

@turkologiya1

**Elektron pocha:**

turkologiya.samdu@gmail.com

**Veb-sayt:**

https://samdu.uz/uz/pages/Turkology


## MAQOLALARGA QO‘YILADIGAN TALABLAR:

- Maqola 8-10 sahifa hajmida taqdim etiladi;
- Maqolaning tarkibiy tuzilishi:

1. Maqola matni Times News Roman shriftida, 14 kattalikda, chap: 3 sm, o‘ng: 1,5 sm, yuqori va quyi: 2 sm; 1,15 intervalda, A4 shaklida tayyorlanishi lozim.
2. Maqola sarlavhasi, muallif(lar)ning familiyasi, ismi va otaismi to‘liq holatda katta harflar bilan yozilishi kerak.
3. Muallif(lar)ning lavozimi, ilmiy unvoni, ish (o‘qish) joylari, viloyat, respublika, telefoni va e-mail adresi to‘liq keltirilishi kerak.
4. Annotatsiya, maqolaning qisqacha mazmun va ahamiyati, natijalardan iborat bo‘lishi lozim.
5. Har bir maqola boshida o‘zbek, rus va ingliz tillarida annotatsiya bo‘lishi lozim.
6. Annotatsiya 120-150 so‘zdan ko‘p bo‘lmagan shaklda bo‘lishi kerak.
7. Annotatsiyaning pastki qismida maqola mazmunini yorituvchi 7-10 ta tayanch so‘zlar keltirilishi kerak.
8. Maqola quyidagi shaklda tayyorlanishi kerak:
   a) Kirish (Introduction);
   b) Asosiy qism (Main part);
   c) Natijalar va muhokama (Results and Discussions);
   d) Xulosalar (Conclusions);
   e) Adabiyotlar (References) – alifbo tartibida keltiriladi;

f) Havola(snoskalar)lar qavsda muallif familiyasi – nashr sanasi – sahifasi (Mo‘minov, 2020: 25) shaklida keltiriladi;

g) Rasm, chizma, jadval, diagrammalar «Rasm» deb arab raqamlari bilan qayd etiladi. Belgi yoki ishoralar – rasm ostida, keyingi qatorda, o‘rtada joylashtiriladi va qoraytirilgan shrift bilan belgilanadi.

- Maqolada keltirilgan ma’lumot va dalillarning ilmiy asoslanganligi, ishonchli va ko‘chirmachilik holatlari uchun muallif(lar) mas’uldir;
- Maqolalar ekspertiza qilinadi. Ekspertlar tomonidan tavsiya etilgan maqolalargina jurnalda chop etiladi;
- Tavsiya etilmagan maqolalar chop etilmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi;
- Jurnalning 1 ta sonida muallifning faqat 1 ta maqolasi chop etiladi.

# БЮЛЛЕТЕНЬ МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА "ТУРКОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ"

В целях реализации программ и проектов, разработанных для ускорения взаимоотношений, предусмотренных на состоявшемся в Самарканде саммите Организации Тюркских Государств, а также координации и освещения научно-исследовательской работы, проводимой в области тюркологии, Международный журнал, Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова, «Тюркологические исследования» прошел государственную регистрацию. Журнал предназначен для публикации результатов научно-исследовательских работ в области тюркских языков и диалектов, истории языковых и литературных связей тюркских народов Средней Азии, социокультурной области. Есть такие рубрики, как молодой исследователь, память и наши юбилеи. Принимаются статьи, написанные на узбекском, турецком, русском, английском и всех тюркских языках.

## В ЖУРНАЛЕ ПУБЛИКУЮТСЯ СТАТЬИ ПО СЛЕДУЮЩИМ НАПРАВЛЕНИЯМ:

- ✓ История социально-культурных отношений тюркских народов;
- ✓ Исследования тюркского мира;
- ✓ Диалектология тюркских языков;
- ✓ Геополитика тюркского мира;
- ✓ Изучение фольклора;
- ✓ Сравнительное языкознание и литературоведение;
- ✓ Литературные отношения и переводоведение.

## КОНТАКТНЫЙ АДРЕС:

**Почтовый адрес:**

140104, Университетский бульвар, 15, город Самарканд, Узбекистан,

Научно-исследовательский институт Тюркологии при Самаркандском Государственном Университете имени Шарофа Рашидова

**Телефон:**

+998 99 582 93 81

+998 97 911 93 81

**Telegram ID:**

@turkologiya1

**Электронная почта:**

turkologiya.samdu@gmail.com

**Веб-сайт:**

https://samdu.uz/ru/pages/Turkology

## ТРЕБОВАНИЯ К СТАТЬЯМ:

- К публикации принимаются статьи объемом 8-10 страниц;
- Структура статьи:

1. Текст статьи должен быть выполнен шрифтом Times News Roman, размером 14 пунктов, слева: 3 см, справа: 1,5 см, вверху и внизу: 2 см; с межстрочным интервалом 1,15, формат листа А4.
2. Название статьи, фамилия, имя и отчество автора(ов) должны быть написаны заглавными буквами в полном регистре.
3. Должность, ученое звание, места работы(учебы), регион, Республика, телефон и адрес электронной почты автора(ов) должны быть указаны полностью.
4. Аннотация должна состоять из краткого содержания и важности статьи, результатов.
5. В начале каждой статьи должна быть аннотация на узбекском, русском и английском языках.
6. Аннотация должна содержать не более 120-150 слов.
7. Внизу аннотации должно быть 7-10 ключевых слов, освещающих содержание статьи.
8. Статья должна быть подготовлена в виде:

a) Вступление (Introduction);
b) Основная часть (Main part);
c) Результаты и обсуждение (Results and Discussions);
d) Выводы (Conclusions);
e) Литература (References) – в алфавитном порядке
f) Ссылка(сноски) приводится в скобках в виде фамилии автора – дата публикации – страница (Муминов, 2020: 25);
g) Рисунки, чертежи, таблицы, схемы нумеруются арабскими цифрами и обозначаются как «Рисунок». Знаки или указатели размещают под рисунком, в следующей строке, посередине и выделяют жирным шрифтом.

- Автор(ы) несут ответственность за научную обоснованность, достоверность и плагиат информации и доказательств, представленных в статье;
- Статьи рецензируются. В журнале публикуются только статьи, рекомендованные экспертами;
- Нерекомендованные статьи не публикуются и не возвращаются авторам;

## “TÜRKOLOJİ ARAŞTIRMALARI” DERGİSİNİN BÜLTENİ

Özbekistan Cumhuriyeti devletinin sosyal-eğitimsel ve bilimsel gelişme politikasının başarılı şekilde uygulanmasına yardımcı olmak amacıyla, Semerkant’ta düzenlenen Türk Devletleri Teşkilatının zirvesinde öngörülen karşılıklı ilişkilerin hızlandırılması için geliştirilen program ve projeleri uygulamak, bilimsel çalışmaları koordine etmek, Türkoloji alanında yürütülen araştırma çalışmaları Şeraf Reşidov adına Semerkant Devlet Üniversitesi, Uluslararası “Türkoloji Araştırmaları” dergisini tescil etmiştir. Dergi, Türk dili ve lehçeleri, Orta Asya Türk topluluklarının dil ve edebiyat ilişkileri tarihi, sosyo-kültürel alanlardaki bilimsel ve araştırma çalışmalarının sonuçlarını yayınlamayı amaçlamaktadır. Dergimizde editör kürsüsü, araştırma, bilim dünyasından, inceleme ve tanıma, bilimsel konferans, genç araştırmacı, hatıra, yıldönümleri gibi sütunlar yer almaktadır. Özbekçe, Türkçe, Rusça, İngilizce ve tüm Türk lehçelerinde yazılmış makaleler kabul edilmektedir.

### DERGİ AŞAĞIDAKİ ALANLARDA MAKALELER YAYINLAMAKTADIR:

- ✓ Türk Dünyasındaki sosyo-kültürel ilişkilerin tarihi;
- ✓ Türk Dünyası araştırmaları;
- ✓ Türk Lehçeleri diyalektolojisi;
- ✓ Türk Dünyasının jeopolitiği;
- ✓ Folklor çalışmaları;
- ✓ Karşılaştırmalı dilbilim ve edebiyat çalışmaları;
- ✓ Edebi ilişkiler ve çeviri çalışmaları.

## İLETİŞİM ADRESİ:

**Posta adresi:**

140104, Üniversite Bulvari, 15, Semerkant şehri, Özbekistan, Şeraf Reşidov adına Semerkant Devlet Üniversitesine bağlı Türkoloji Araştırmaları Enstitüsü

**Telefon:**

+998 99 582 93 81

+998 97 911 93 81

**Telegram ID:**

@turkologiya1

**E-posta:**

turkologiya.samdu@gmail.com

**İnternet sitesi:**

https://samdu.uz/uz/pages/Turkology

## MAKALE YAZIM KURALLARI:

- Makale 8-10 sayfada sunulur;
- Makale'nin yapısı:

1. Makale metni Times New Roman yazı tipinde, 14 punto büyüklükte, sol kenarından 3 cm'lik, sağ kenarından 1,5 cm'lik, üst ve alt kenarından 2 cm'lik boşluk bırakılarak, tek sütün olarak, 1,15 satır aralığında, A4 boyutunda hazırlanmalıdır.
2. Makalenin başlığı, yazar(lar)ın soyadı, adı ve baba adı tam olarak büyük harflerle yazılmalıdır.
3. Yazar(lar)ın pozisyonu, akademik ünvanı, çalıştığı (öğrendiği) yer, bölgesi, cumhuriyeti, telefon ve e-posta adresi eksiksiz olarak verilmeli.
4. Özet, makalenin amacını, önemli bulgularını ve sonuçlarını içermelidir.
5. Her makalenin başında Özbekçe, Rusça ve İngilizce özet bulunmalıdır.
6. Özet, 120-150 sözcüğü geçmeyecek şekilde yazılmalıdır.
7. Özetin alt kısmında makalenin içeriğini tanımlayacak en az 7, en fazla 10 anahtar kelimeye yer verilmelidir.
8. Makale, aşağıdaki formatda hazırlanmalıdır:

a) Giriş (Introduction);
b) Ana bölüm (Main part);
c) Sonuçlar ve tartışma (Results and Discussions);
d) Sonuçlar (Conclusions);
e) Kaynakça (References) alfabetik olarak sıralanmalıdır;
f) Bağlantılar (dipnotlar) yazarın soyadı - yayın tarihi - sayfa şeklinde parantez içinde verilecektir (Muminov, 2020: 25);
g) Resim, çizim, tablo, diyagramlar "Resim" olarak Arap rakamları ile kaydedilir. İşaretler resmin altına, bir sonraki satıra, ortaya yerleştirilir ve koyu yazılır.

- Makalede sunulan bilgi ve kanıtların bilimsel dayanağı, güvenilirliği ve intihalinden yazar(lar) sorumludur.
- Makaleler hakemli olacaktır. Dergide sadece uzmanlar tarafından tavsiye edilen makaleler yayımlanır.
- Talep edilmeyen yazılar yayınlanmayacak ve yazarlarına iade edilmeyecektir.
- Derginin 1 sayısında yazarın sadece 1 makalesi yer alacaktır.

# TURKOLOGIK TADQIQOTLAR

**XALQARO ILMIY JURNALI**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL OF “TURKOLOGICAL RESEARCH”**
**ULUSLARARASI “TÜRKOLOJİ ARAŞTIRMALARI” BİLİMSEL DERGİSİ**
**МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ “ТЮРКОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ”**


Muharrir: Prof. J.Eltazarov
Musahhih: N. Choriyev
Texnik muharrir: R. Shokirov

**ISSN 2992-9229** **https://turkologiya.samdu.uz/**

2023-yil 23-iyulda tahririy-nashriyot bo‘limiga qabul qilindi.
2023-yil 04-avgustda original-maketdan bosishga ruxsat etildi.
Qog‘oz bichimi 60x84.1/16. «Times New Roman» garniturasi.
Offset qog‘ozi. Shartli bosma tabog‘i – 10,25.
Adadi 30 nusxa. Buyurtma № 576

SamDU tahririy-nashriyot bo‘limi bosmaxonasida chop etildi.
140104, Samarqand sh., Universitet xiyoboni, 15.




